

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 9 ИЮНЬ КУНИ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИГА БАҒИШЛАНГАН ЙИГИЛИШ ЎТКАЗДИ.



НУҚУЗ

1997-йил 27-августдан chiqa boshlagan

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 11-ИЮН, №23 (1220)

ИСЛОҲОТЛАР ФАРОВОНЛИК АСОСИ



ЖЎҚОРҒИ КЕНГЕСНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

2020 йил 8 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Нигматилла Йўлдошев Қорақалпоғистонга ташриф буюриб, Жўқорғи кенгеснинг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этди.

Сессияда Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Х.Каримов лавозимидан озод қилинган муносабати билан мазкур лавозимга Тахия-

тош тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Фархат Алламбергеновни тайинлаш масаласи кўриб чиқилди.

Жўқорғи кенгес томонидан Ф.Алламбергеновнинг номзоди қўллаб-қувватланиб, уни 5 йил муддатга Қорақалпоғистон Республикаси прокурори лавозимига тайинлаш ҳақида қарор қабул қилинди.

ПРОКУРАТУРАДА ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ

Шу куни Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида Бош прокурор иштирокида ҳайъат мажлиси ўтказилиб, меҳнат жамоасига янги тайинланган прокурор таништирилди.

Шунингдек, ҳайъат йиғилишида республика прокуратураси органларининг ҳудудда қонунийликни таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолияти танқидий муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчи-

ликлар бўйича маъсул ходимларнинг ҳисоботлари эшитилди.

Бугунги мураккаб шароитда прокуратуранинг ҳар бир ходими вазифасига виждонан ёндашиши, куч ва имкониятларини тўлиқ сафарбар қилиши зарурлиги таъкидланди.

Йиғилиш низоҳосида келгусида амалга оширилиши лозим бўлган долзарб вазифалар белгилан олди.

ТАЙИНЛОВ

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг қарорига асосан Алламбергенов Фархат Ембергенович Қорақалпоғистон Республикаси прокурори лавозимига тайинланди.



Ф.Алламбергенов 1972 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган. Маълумот олий, ҳуқуқшунос. 1997 йилда Қорақалпоқ давлат университетини тамомлаган.

У прокуратура органларидаги фаолиятини Шуманай тумани прокурорининг ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчиликдан бошлаб, туман прокурорининг ёрдамчиси, Хўжайли тумани прокуратураси катта терговчиси, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта прокурори, Республика прокурорининг ёрдамчиси, Эллиққалъа тумани прокурори, Тўртқўл тумани прокурори, Тахиятош шаҳар прокурори, Амударё тумани прокурори ҳамда Орол табиати муҳофаза қилиш прокурори лавозимларида фаолият юритган. 2017 йилдан ҳозирга қадар Тахиятош тумани ҳокими вазифасида ишлаган.

МЎЙНОҚ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Бош прокурор 8-9 июнь кунлари Мўйноқ туманида бўлиб, Қорақалпоғистоннинг энг олис ва чекка ҳудудида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар билан танишди. Жумладан, барча турдаги автотранспортларнинг шаҳарлараро йўловчи ташишига қулайлик яратиш учун туманда ташкил этилган автошоҳбека, бир вақтнинг ўзида 20 ўқувчига хизмат кўрсатиш имконига эга бўлган «Future Muynak» ахборот-коммуникация технологияларини ўргатиш маркази, 40 нафар китобхонга хизмат кўрсата оладиган «Book safe» фаолияти ўрганилди. Унда асосий эътибор муаммолар ва уларнинг ечимига қаратилди.



«Future Muynak» марказида Бош прокурор ва мазкур марказда компьютер саводхонлиги бўйича машғулот олиб бораётган Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиали ўқитувчилари ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда ёшлар таълим-тарбияси, ахборот технологияларини жамият ҳаётига кенг татбиқ этиш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўқитувчилар Мўйноқ ёшлари учун Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалида 20 та квота ажратиш ва уларни имтиҳонсиз ўқишга қабул қилиш таклифини билдиришди. Таклиф мутасаддиларга етказилиб, ижроси назоратга олинди.

«Book safe» фаолияти билан

танишган Бош прокурор кутубхонага турли мавзуларга оид 1100 та китоб совға қилди.

Бир вақтнинг ўзида 30 нафардан ортиқ фуқаро хизмат кўрсатиш имконига эга ҳаммом ва гўзаллик салонлари мажмуаси фаолияти ҳам ўрганилди.

Ҳудудда барпо этилаётган замонавий телемедицина маркази, Шоирлар хиёбони, Сулаймон Боқирғоний мажмуаси, гилам ишлаб чиқариш корхонаси ва 75 ўринли болалар боғчасидаги қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан танишилди.

Ташриф давомида объектлардан самарали фойдаланиш, қурилишни жадаллаштириш бўйича мутасадди идоралар раҳбарларига тавсиялар берилди, айрим муаммолар жойида барта- раф этилди.

Бош прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими



2020 йил 10 июнь
соат 17:00 ҳолатига



Касалланганлар
4591 нафар



Соғайганлар
3504 нафар



Вафот этганлар
18 нафар

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ-УСТУВОР ВАЗИФА

Ўзбекистон Республикаси Қуролли қучлари ҳарбий хизматчиларининг ҳамда уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазасига доир қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш ҳарбий прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

2020 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ташаббуси билан Тошкент шаҳри ва вилоятда жойлашган Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Қоровул кўшнлари, Миллий гвардия тизимидаги ҳарбий қисм ва муассасаларда мазкур йўналишдаги қонунчилик ижроси ўрганилди.

Тахлил натижасида 69 нафар ҳарбий хизматчининг фарзанди тиббий меҳнат экспертиза комиссиялари ҳулосасига кўра 1 ва 2-гuruh ногирони деб топилган бўлса-да, улардан амалдаги қонунчиликка зид равишда даромад солиғи умумий тартибда ундириб келинаётгани аниқланди.

Қонунчиликка кўра Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сисъатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги фармонига асосан 2019 йил 1 январдан бошлаб барча фуқаролар учун жиёмоний шахслардан олинмаган даромад солиғининг ягона ставкасини 12 фоиз миқдорда жорий этиш белгиланиб, айрим тоифадаги фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 1,41 баравари миқдоридagi даромадларини солиқдан озод қилишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинган.

Мазкур тартиб Солиқ кодексининг 380-моддасида ўз аксини топиб, унга кўра болалигидан ногирон бўлган шахс, доимий парварishiни талаб этадиган фарзанди билан бирга яшаб, уни тарбиялаётган ота ёки онанинг даромадига қаматирилган ҳолда солиқ солиниши назарда тутилган.

Мазкур тоифадаги ҳарбий хизматчиларга эса солиқ имтиёзи татбиқ этил-



масдан, даромад солиғи умумий тартибда ундириб келиниб, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқлари бузилган.

Ўрганиш натижасига кўра Тошкент ҳарбий прокуратураси томонидан назорат ҳудудида жойлашган барча тоифадаги қўмондонликларга хат қиритилиб, ногирон фарзанди мавжуд ҳарбий хизматчиларга қонунда белгиланган солиқ имтиёзларини 2020 йил июнь ойидан татбиқ этиш йўлга қўйилди ҳамда 69 нафар ногирон фарзандни тарбиялаётган ҳарбий хизматчининг охириги ойлик иш ҳақидан ортқча ундирилган жами 7 млн. сўмдан ортқ даромад солиғи қайтарилиб, уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Шунингдек, солиқ қонунчилигининг мазкур нормаси қўлланилмаслиги оқибатида 2019 йил 1 январдан буён мазкур тоифадаги ҳарбий хизматчилардан ортқча ушлаб қолинган даромад солиғини қайта ҳисоблаш ҳамда қайтариш чоралари кўрилмади.

Юқоридagi ҳолатлар республикамизнинг бошқа вилоятларида ҳам ҳарбий прокуратуралар томонидан ўрганилмоқда.

Сарвар МУХИТДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ўринбосари

ҲАҚҚИ УНДИРИЛДИ

Қарши шаҳрида яшовчи З.Ж.нинг суд қарори бажарилмаётганидан норози бўлиб Қашқадарё вилояти прокуратурасининг ишонч телефонида қилган мурожаати ўрганилди.

Аниқланишича, Қарши тумани маъмурий судининг 2019 йил 21 декабрдаги А.Э.дан З.Ж.га 39 млн. 334 минг 865 сўм моддий зарарни ундириш ҳақидаги ижро варақаси 2019 йилнинг 27 декабрь куни Мажбурий ижро бюросининг Қарши шаҳар бўлими иш юритувига келиб тушган бўлиб, белгиланган тартибда ижро иши қўзғатилган.

Ижро ҳаракатлари давомида қарздор А.Э.нинг мулкларини аниқлаш мақсадида тегишли ташкилотларга сўровлар юборилган, олинган жавоб ҳатларига кўра қарздорнинг номида автомашина борлиги аниқланиб, 2020 йил 11 январда ушбу автомашинага нисбатан таъқиқ солинган.

Шунингдек, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро

этиш тўғрисида»ги қонуннинг 421-моддасига асосан 2020 йил 26 мартда қарздорнинг республика ҳудудида чикишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш тегишли идораларга юклатилган.

Бундан ташқари, давлат ижрочиси 22 май куни А.Э.нинг уйини кўздан кечириб, 7 турдаги 25 та мулкни хатлаган.

Мурожаатни ўрганиш давомида давлат ижрочиси томонидан 2 июнь куни А.Э.дан белгиланган пул ундирилиб, З.Ж.нинг пластик картасига ўтказиб берилди.

Акрам ҲАСАНОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

ИНСПЕКТОРНИНГ ХАТОСИ

2020 йилнинг ўтган даври мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси органлари томонидан тadbirkorлик субъектлари фаолиятига тўсиқ бўлаётган 170 та ҳолат аниқланиб, белгиланган тартибда бартараф этилди. Жами 471 та тadbirkorлик субъектига қонун доирасида ёрдам кўрсатилди.

Жумладан, тadbirkorлик субъектларидан 54 тасига 22 млрд. 413 млн. сўм кредит, 30 тасига 34 гектар ер, 3 тасига бино ажратилишида кўмаклашилди.

Соҳага оид қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида давлат солиқ инспекциялари томонидан 14 нафар тadbirkorга нисбатан маъмурий жавобгарлик чораси асосси қўллангани аниқланди ва протест орқали бекор қилинди.

Прокуратура органлари тadbirkorларнинг мурожаатларига алоҳида эътибор қаратиб, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга эришмоқда. Масалан, Хўжайли тумани прокуратураси «Аҳимжан транс» МЧЖнинг туман давлат солиқ инспекцияси ҳаракатларидан норози бўлиб йўллаган мурожаатини ўрганиб чиқди. Натижада мазкур қорхонага солиқ идораси қўллаган қўшимча солиқ қайта ҳисобланиб, жамиятнинг 82,9 млн. сўм

солиқ қарзи бекор қилинди.

Шунингдек, Қораўзак тумани прокуратураси томонидан тadbirkorлар ҳуқуқларининг ҳимоясига қаратилган тadbirkor натижасида туман давлат солиқ инспекцияси 7 та ҳолатда тadbirkorлик субъектларига лицензия берилишида давлат хизматларини кўрсатиш қонунини бузгани аниқланди. Шу боис солиқ инспекциясининг бош инспекторига нисбатан маъмурий иш қўзғатилиб, тadbirkorларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланди.

Прокуратура органларининг ёрдами билан ишени тўхтатган 33 та тadbirkorлик субъектларининг фаолияти тикланишига эришилди. 156 та тadbirkorлик субъекти янгидан ташкил қилинди.

Сардор ЯКУБОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи

ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

Ҳозир катта-ю кичикнинг хаёлини карантин ташвиши банд қилган. Ҳаёт давом этаверади, чорасизликдан имкон топиб, фаолиятни давом эттириш лозим. Шу кунларда армияга сараланган ўғлонлар мuddатли ҳарбий хизматга отланиш арафасида. Аммо уларни қандайдир саволлар қийнаётган бўлиши мумкин, таклифлари бордир?!

Пандемия шароитида юзма-юз мулоқот қилиш хатарли, албатта. Шу боис Республика ҳарбий прокуратураси ва Тошкент ҳарбий прокуратураси ходимлари Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг Тошкент шаҳар кенгаши ва шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда ватан ҳимоясига отланган йигитлар билан видеомуллоқот ўтказдилар.

Июнь ойи барча ҳудудларда «Ёшлар ойлуги» деб эълон қилинган муносабати билан маънавий-маърифий тadbirkorлар ўтказиш жадаллашди. Бу борада прокуратура органлари томонидан ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида ҳудудларда «Прокурор ва ёшлар» онлайн учрашувларини ташкил этиш назарда тутилган. Мазкур видеомуллоқот айна ташаббус доирасида ташкил этилиб, унда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олишди.

Куннинг иккинчи ярмида ҳарбий прокуратура ва Ёшлар иттифоқи вакиллари йиғув пунктда ҳарбий хизматга бориш истагидagi номзодлар санитария-гигиена қондаларига риоя этилган ҳолда тиббий кўриқдан ўтказилаётганининг гувоҳи бўлишди.

Дарҳақиқат, коронавирус пандемияси пайтида камолга етган фарзандларни армияга жалб қилиш, уларнинг саломатлигини текшириб, мuddатли ҳарбий хизматга кузатиш жуда катта ҳушёрликни ва карантин қондаларига қатъий риоя этилиши устидан доимий назоратни талаб қилади. Бу ўринда нафақат бир инсоннинг, қолаверса бутун бир шахсий таркибининг тақдирини кафолатланади. Шу боис қатъий назорат остида дезинфекция ишлари олиб борилиб, қаққирилувчилар барча меъёрларга амал қилинган ҳолда тиббий текширувдан ўтказилмоқда ва ватан ҳимоясига шай ҳолга келтирилмоқда.

Бу жараёнда мудофаа ишлари бошқармалари ва бўлимлари барча зарурий анжомлар, қундалик тиббий воситалар билан тўлиқ таъминланган ҳамда Мудофаа вазирлиги санитария-эпидемиология назорати маркази мутахассисларининг доимий фаолияти йўлга қўйилган.

Ҳамжихатликда олиб борилаётган бу каби ишлар армияга қаққирилувчиларнинг саломатлигини кафолатлайди.

Оттабек ХОЛБОВЕВ,
Тошкент ҳарбий прокурори



ШИФОКОРЛАР РАЎБАТЛАНТИРИЛАЯПТИМИ?

Коронавирус инфекциясига қарши курашиш ва унинг аҳоли орасида тарқаб кетишининг олдини олишда соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг ҳиссаси беқиёс. Бунинг исботини касалликдан тузалаётган беморларнинг сони кундан-кун ортиб бораётганида кўриш мумкин. Шу боис фидойи ва заҳматкаш шифокорларимизни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шундай кунларда ўз вазифасини етарлича бажармаётган мутасаддиларнинг ҳаракатсизлигини эса ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди.

Бош прокуратура томонидан корона-вирус пандемияси даврида тиббиёт ходимлари қандай рағбатлантирилганлиги Сурхондарё вилояти мисолида ўрганилди.

Маълум бўлишича, вилоятда жами 2868 киши карантинга олинган, 44 нафар шахсда коронавирус инфекцияси аниқланган, шундан 43 нафари тузалган ва бир киши вафот этган.

Карантин тадбирларига 235 нафар шифокор, 459 та ўрта тиббиёт ходими, 155 нафар кичик тиббиёт ходими ҳамда 139 нафар бошқа ходимлар жалб этилган. Лекин уларга рағбатлантириш пули ўз вақтида берилмай келинаётгани аниқланди.

Шифокорларга 2,5 млрд. сўмлик рағбатлантириш пули тўланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги «Корона-вирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тarmoқлари-га салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида асосан тиббиёт, санитария-эпидемиологик ва бошқа ходимлар коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинадиган даврда уларнинг ойлик маошига 6 фойз миқдорда ҳар кунлик қўшимча тўлов жорий этилиб, Республика ҳамда комиссиянинг қарори билан тасдиқланган вақтинчалик низомига кўра кунлик қўшимча тўловлар ҳар 5 кунда тўланиши белгиланган.

Ўрганишлар вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, туман тиббиёт бирлашмалари ҳамда санитария-эпидемиологик осейшталлик маркази раҳбарлари тибби-

ёт ходимларини рағбатлантириш ҳақидаги бузортмаларни молия органларига ўз вақтида бермагани сабабли рағбатлантириш пули тўланмаганини кўрсатди.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 1 майгача 1473 нафар ходимга 2,5 млрд. сўмлик рағбатлантириш пули тўланмаган. Бундан ташқари, (15 майгача) 1264 нафар ходимга 1,6 млрд. сўмлик рағбатлантириш пулини молиялаштириш ва тўлаш масаласи кўриб чиқилмагани аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги «Корона-вирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ходимлари ва бошқаларга ҳар 14 кунлик фаолияти учун махсус қўшимча рағбатлантириш пули тўланиши белгиланган.

Ўрганиш давомида 32 нафар ходимга 488,5 млн. сўм махсус тўлов тўланмагани, 48 нафар ходимга 1,011 млрд. сўм махсус тўловни молиялаштириш ва тўлаш масаласи кўриб чиқилмагани аниқланди.

Бош прокуратуранинг аралашуви билан ўз вақтида тўланмаган 5,6 млрд. сўм рағбатлантириш пули тўланиши таъминланди ва ортқича ҳисобланган 302,1 млн. сўм иқтисод қилиниб, бюджет маблағи ўзлаштирилишининг олди олинди.

Соғлиқни сақлаш ва молия органларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари ижросини сўзсиз таъминлаш, бюджет пулининг тўғри сарфланишига масъулият билан ёндашиш талаб этилади.

Искандар ДАВЛАТОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

ДАВЛАТ ҲИСОБИГА ЕТТИ МИЛЛАРД


Бюронинг Юнусобод тумани бўлими иш юритувига Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2020 йил 2 март кунги ҳукмига асосан Д.Ш. ва бошқаларга нисбатан жиноят иши юзасидан 769 минг АҚШ доллари миқдордаги пулни давлат даромадида ўтказиш тўғрисидаги ижро иши 14 апрель куни келиб тушган эди.

Шу куннинг ўзида ижро ишини кўзга тиш тўғрисида қарор қабул қилиниб, томонларга юборилган. МИБ Юнусобод тумани бўлими ижросининг ҳаракати натижасида тегишли ташкилот ҳисобрақамидаги 769 минг доллар пул бюронинг туман бўлими депозит ҳисобрақамига ўтказиб берилди.

Ўз навбатида бюронинг депозит ҳисобрақамига тушган 7 млрд. 728 млн. 450 минг сўм пул 29 май куни давлат даромадида ўтказилиб, ижро ҳужжати тамомланди.

Асқар ОДИЛОВ,
МИБ Юнусобод тумани бўлими бошлигининг ўринбосари

2020 йил 8 июнь куни «Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида Геология фанлари университети фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.



КАРАНТИНДА ОНЛАЙН МУРОЖААТ

Ўзбекистон ҳукуматининг 2020 йил 23 мартдаги «Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан республика ҳудудида коронавирус инфекциясининг тарқалишига қарши қучайтирилган тартиб жорий этилган.

Ушбу қарорга асосан Бош прокуратура томонидан барча давлат органлари, вазирликлар, идоралар ва ташкилотларга аҳолининг санитария-эпидемиологик осейшталлиги ва хавфсизлиқни таъминлаш, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича тавсиялар берилди.

Беш минга яқин мурожаат онлайн тарзида қабул қилинди

Самарқанд вилояти прокуратураси ушбу тавсияларни инобатга олган ҳолда инфекциянинг қоғоз шаклидаги ҳужжатлар алмашинуви орқали тарқалишига йўл қўймаслик мақсадида прокуратура органларида қоғоз шаклидаги ҳужжатлар қабул қилинишини вақтинча тўхтатди. Мурожаатлар онлайн тарзда, «Мурожаатларни телефон орқали қабул қилиш маркази»нинг 1007 рақами орқали мунтазам равишда қабул қилинмоқда.

Карантин жорий этилгандан буён Самарқанд вилояти прокуратура органлари томонидан 4660 та мурожаат онлайн тарзида қабул қилинди. Уларнинг 2867

таси прокуратура органларида кўриб чиқилди. 209 таси қаноатлантирилди. 2627 таси бўйича тушунтириш берилди. 31 таси рад қилинган. Кўрилган чоралар натижасида 207 кишининг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Вилоят прокуратураси органларида ҳал қилинган мурожаатлардан 921 таси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, 95 таси жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, 575 таси терговга қадар текширув, суриштирув ва тергов масалалари, 169 таси жиноий суд ишларини юритиш бўйича, 158 таси фуқаролик суд ишларини юритишга оид, 231 таси суд ва бошқа органларнинг ҳужжатларини ижро этишда қонуларга риоя этилишига оид ва 413 таси бошқа масалаларга тааллуқли.

Мурожаатларни ҳал этишда карантин талабларига қатъий амал қилиниб, мурожаатчининг ҳар бир важи тўлиқ ўрганилмоқда.

Хондамир МАРДИЕВ,
Самарқанд вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

ФУҚАРОНИНГ ҲУШЁРЛИГИ ЖИНОЯТНИ ФОШ ЭТДИ

Сўх туманида яшовчи Бекзод Сайсрамов биронинг «Нексия» автомобилида йўловчи ташийди. Қўшни Қирғизистонга чиқиб қайтишда оз-оздан энергетик ичимликларни олиб келиб, Фарғона шаҳридаги кўпқаватли уй ҳонадонларидан бирида жамлаб боради. Исикда ўткир хиди тарала бошлагач, биронинг гаражига қўяди. Ичимликларни улгуржи пуллаш учун харидор излаётганида машинасида бораётган савдогар аёл эътиборини тортади. У билан бир неча бор кўришганидан сўнг далилагини тилига чиқаради.

— Опа, битта иш бор, сиз ҳам, мен ҳам фойда кўрамыз, — дейди. — Хўп десангиз, дўконингизга «Jaguar» деган ичимликни келтириб бераман.

— Ҳужжатлари жойидами?
— Жойида, бемалол сотиб фойдаланасиз.

Савдолашиш асносида Ҳанифахонда ичимлик Қирғизистондан қонуний олиб ўтилганига шубҳа туғилди. Лекин сир бой бермади. Ҳар бир донасини 18 минг сўмдан сотиб олишга кўнди. Бекзод аёлининг пули борлигига ишонч ҳосил қилиш учун учрашув жойини белгиледи. Киш куни Бекзод сўхлик икки қирақаш йигит билан Марғилон шаҳридаги ошхона олдига «Матиз» машинасида келган Ҳанифахонни қарши олди. Машинада-

ги пулини кўрганидан кейин аёлга бир дона «Jaguar» ичимлигини кўрсатиб, бериб қўйди. Ичимликларни Қўштепа туманидаги Лойсон маҳалласига етказиб берадиган бўлди.

Бекзод сўхлик таниш қирақаш йигитларга кўнгирок қилди. Фарғона шаҳридаги гаражда турган, таркибида спирт бўлган ичимликни Шўхратнинг «Каптива» русумли, Шарифнинг «Ласетти» русумли машиналарига ортиб Қўштепага йўл олишди. Манзилга етиб бориб, юкни тушириб, пулни санаб олишгаётганида департамент ходимлари келиб, белгиланган тартибда ҳужжатларни расмийлаштиришди. Ноконуний савдога бепарқ бўлмаган фуқаро Ҳанифахоннинг аризаси бўйича ўтказилган тадбирда ҳуқуқбузарлар ушланиб, четдан ноконуний олиб қиррилган, жами нархи 50 млн. 976 минг сўмлик 2832 дона ичимлик ашёвий далил тарикасида олинди.

Қилмишларига тўлиқ иқроф бўлган Бекзод ва унинг шерикларига суд ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади. 2832 дона энергетик ичимлик йўқ қилинди.

Нодирбек ТОЖИБОВЕВ,
департаментнинг Қўштепа тумани бўлими бошлиғи

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛИШ

БУ БОРАДАГИ ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ КЎПГАЯДИ

Бугун мамлакатимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишидан бирига айланди. Аввало тадбиркорлик соҳасининг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамланмоқда.

Жумладан, 2020 йилнинг 8 июнь куни давлат раҳбарининг «Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, ўзини ўзи банд қилган шахслар шугулланиши мумкин бўлган фаолият турлари кўпайтирилди.

Қарорга мувофиқ 2020 йил 1 июлдан бошлаб ўзини ўзи банд қилган шахсларни рўйхатга олиш хабар бериш тартибда рўйхатдан ўтганликни тасдиқловчи матрицали штрих код (QR-код) берган ҳолда махсус мобил алова ёхуд солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали амалга оширилади ҳамда вақтинчалик меҳнат гувоҳномаларини бериш тартиби бекор қилинади.

Шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахслар 2020 йил учун ижтимоий солиқни ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида ҳақиқатан ишлаган вақтидан қатъи назар, БХМнинг

войс), шу жумладан, электрон шаклда тақдим қилиш йўли билан чет эллик жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлди.

Давлат солиқ кўмитасига 2020 йил 1 июлга қадар ўзини ўзи банд қилган шахсларни масофадан туриб рўйхатга олиш имкониятини назарда тутувчи мобил аловани жорий қилиш вазифаси юклатилди. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқарттириш вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси эса 2021 йилда тадбиркорлик билан шугулланишни осон-



лаштириш, шу жумладан, «Бизнес навигатор» ахборот тизимини жорий қилишга масъул этиб белгиланди.

Булардан ташқари, яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолият олиб бораётган жойи бўйича давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга қўйилади. Шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳнома унда тадбиркорнинг фотосурати акс эттирилган ҳолда берилади.

Яна бир қулайлик ҳақида гапирадиган бўлсак, қарорга мувофиқ ўзини ўзи банд қилган шахслар учун назарда тутилган фаолият турлари билан шугулланувчи, иштирокчилари сони камида уч нафар бўлган оилавий корхоналар айланмадан солиқни белгиланган миқдордан 50 фоиз камайтирилган ставкада тўлайдиган бўлди.

Умуман олганда, мазкур қарор иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ишбилармон фуқароларни қўллаб-қувватлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

Аслиддин БОЛТАЕВ,
Бosh прокуратура бошқарма прокурори

НОҲАҚЛИК УЧУН ИККИ ЮЗ МИЛЛИОН

Бугун ҳаётимизда биров пайқаб, биров пайқамаетган катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Катта-катта қурилишлар билан бирга янги жамият ҳам қурилаётганининг гувоҳи бўлаёلمиз. Қисқа қилиб айтганда, кўнглига ёруғлик берадиган ислохотлар ҳар бир соҳада самара бера бошлади. Жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам.

Буни кейинги йилларда судлар томонидан чиқарилган оқлов ҳукмларининг бир неча баробар ошганидан ҳам англашимиз мумкин. Мисол учун, фуқаро Д.Салировга ҳам оқлов ҳукми эълон қилинган.

Маълум бўлишича, Д.Салиров 2008 йилдан 2010 йилга қадар пойтахтдаги акциядорлик жамиятларидан бирининг раиси лавозимида ишлаган. У жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 22 июндаги ҳукми билан Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми, 28 ва 209-моддаси 2-қисми «а» банди ҳамда 175-моддаси «в» банди билан жиноий жавобгарликка тортилиб, 13 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган эди. Кейинчалик Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2019 йил 29 январдаги ажрими билан биринчи инстанция судининг 2011 йил 22 июндаги ҳукми бекор қилиниб, Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 2 ва 3-қисмига асосан айбисиз деб топилган.

Шундан сўнг Д.Салиров фуқаролик ишлари бўйича судга Мирзо Улугбек тумани молия бўлимига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилди. У аризасида ноқонуний судлангани оқибатида 2010 йил 22 сентябрдан 2019 йил 29 январга қадар, яъни 3051 кун қамоқда ноҳақ ўтиргани учун жавобгардан умумий ҳисобда 940 млн. 186 минг 500 сўм маънавий зарар ундиришни сўраган.

Аниқланишича, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2019 йил 19 декабрдаги ажримида кўра Д.Салиров реабилитация қилиниши муносабати билан даъвогарга етказилган моддий зарар давлат бюджети ҳисобидан қоплаб берилган. Ҳозир даъвогар судга мурожаат қилиб, ноҳақ судланиб, узок вақт қамоқда ўтиргани учун унга етказилган маънавий зарарни қоплаб беришни сўраган.

Суд тарафларнинг тушунтиришини эшитиб, иш материалларини ўрганиб, қуйидаги хулосага келди.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 1021-моддаси 2-қисмига кўра агар зарар фуқарога уни қонунга ҳилоф тарзда ҳукм қилиш, жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олиш, маъмурий жазо қўллаш ва ушлаб туриш натижасида етказилган бўлса, маънавий зарар уни етказувчининг айбидан қатъи назар қопланади. Мазкур кодекснинг 15-моддасига кўра давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органлар мансабдорларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тўланиши керак. Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдорларининг айби билан етказилган зарарни қоплаш суднинг қарори билан шу мансабдорлар зиммасига юкланиши мумкин.

Қайд этилган қонун талабидан келиб чиқиб, суд ишга ҳуқуқий баҳо берди. Ҳақиқатан ҳам, бу фуқаро ноҳақ жиноий жавобгарликка тортилиши ва узок вақт давомида озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтагани оқибатида маънавий зарар кўрган. Мазкур ҳолат инobatга олиниб, унинг даъвосини қонуний ва асосли деб топилди ва уни қисман қаноатлантирган ҳолда давлат бюджетидан Тошкент шаҳар молия бошқармаси орқали даъвогарга 200 млн. сўм товон пули ундиришни лозим топди.

Олимжон ШАМСИЕВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улугбек туманлараро суди судьяси

FAOLIYAT

КРЕДИТ ҲАВОГА УЧДИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишида банклар бераётган кредитларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўрғина ишлатилган кредит ўз самарасини бериб, қарзни вақтида қайтариш учун замин яратади. Ҳақиқий тадбиркор кредит олганда уни ўз режаси асосида сарфлаб, даромад олишни кўзда тутати. Баъзилар эса кредитни еб кетиш учун олади.



мига пул ўтказиб беради. Аммо эвазига маҳсулот эмас, нақд пул олади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, шунча пулни ҳавога совуради. Уни қайтариш вақти келганда эса на чўнтагида, на ҳисобрақамида пул қолган эди.

Банк мутасаддилари бир неча бор оғохлантиса-да, қарзини қайтаришни ҳалига ҳам келтирмайди. Шундан сўнг қара гаров ҳисобидан ундирилдиган бўлди. Буни қарангки, бу шовғов гаровга қўйилган «Каптив» автомобиллини ҳам турли алдовлар билан бир одамга сотиб юборган экан.

Шокир Кабировнинг қилмишлари жиноят ишлари бўйича Зангиота тумани судида кўриб чиқилди ва унга жарима жазоси тайинланди. Сохта тадбиркор банкга етказган зарарини ҳам қоплади.

Гулҷеҳра РАЗЗАКОВА,
департаментнинг Тошкент вилояти бошқармаси катта инспектори

Шокир Кабиров (исм-фамилияси ўзгартирилган) Зангиота туманида хусусий тадбиркор сифатида фаолият юритарди. Танишлари билан суҳбатларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, иш ўрни очмоқчи бўлган тадбиркорларга банклар имтиёзли кредит бераётганидан хабар топади. Шундан сўнг тез орада маъсулияти чекланган жамият ташкил қилади ва ўзини келажақда ишлаб чиқариш билан шугулланадигандек

кўрсатиб, банкдан кредит сўрайди. Унинг режаларига ишонч билдирган «Турон банк»нинг Зангиота тумани филиали 2018 йилнинг апрель ойида 200 млн. сўм кредит беради.

Шокир Кабиров маблағ ҳисобрақамига келиб тушиши билан бир неча жамият раҳбарлари билан жиноий тил бириктириб, қурилиш материаллари харид қилиш учун шартнома тузади ва уларнинг ҳисобрақа-

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШУВЧИ ОРГАН

ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ҚАНДАЙ?

Хорижий мамлакатлардаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашини ўрганиш орқали турли хил ҳуқуқий тизимларнинг ўзига хос томонларини илғаш мумкин.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашувчи органлар ва ташкилотларнинг фаолиятини Бош прокурор раҳбарлик қиладиган Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идораларо комиссияси мувофиқлаштиради. Комиссия турли давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари билан иборат.

Шунингдек, Бош прокуратура коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тезкор қидирувни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиради.

Президентимиз 2020 йил 25 январда Олий Мажлисни қилган мурожаатида ҳамда 2020 йил 11 февраль куни коррупцияга қарши курашиш ҳамда жамоатчилик назорати тизимларини такомиллаштириш бўйича ўтказган йиғилишида коррупцияга қарши курашувчи мустақил орган тузиш таклифини илгари сурди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда ривожланган давлатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан коррупцияга қарши курашиш прокуратура ёки алоҳида орган томонидан мувофиқлаштириб келинмоқда.

БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясининг 36-моддасида ҳар бир давлат ўз ҳуқуқий тизимининг асосий тамойилларига мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи чоралари орқали коррупцияга қарши курашишга ихтисослашган орган ёки органлар ёхуд шахслар бўлишини таъминлаш талаб этилади.

Бугунги кунда дунёда коррупцияга қарши курашувчи органларнинг 150 дан ортиқ тури бор. Уларни тузиш бўйича зарур бўлган асосий кўрсатма ва қондаларнинг ҳам халқаро стандартлари мавжуд.

Хусусан, 2012 йилда Жакартада ўтказилган учрашувда иштирокчи давлатлар Коррупцияга қарши курашувчи органлар фаолиятининг асосий принциплари тўғрисида Жакарта баёнотини маъқуллаганлар. Унда 16 та муҳим тамойилдан иборат Жакарта принциплари қабул қилинган.

Жакарта принципларининг биринчи асосий кўрсатмасида коррупцияга қарши курашувчи орган коррупциянинг олдини олиш, таълим бериш, хабардор этиш, тергов ва жиноий жавобгарликка тортиш масалалари билан шугулланиши

ваколатига эга бўлган бир ёки бир нечта институтдан иборат бўлиши кераклиги белгиланган.

Коррупцияга қарши курашувчи махсус органларнинг асосан уч хил моделини кўришимиз мумкин:

1. Коррупцияга қарши курашувчи агентликлар тергов, коррупциявий жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоатчилик билан ишлаш, аҳолининг коррупцияга оид саводхонлигини ошириш соҳаларида фаолият юритади.

Мазкур моделга Гонгконг коррупцияга қарши мустақил комиссияси ва Сингапур коррупцияга қарши тергов бюроси фаолиятини мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур тузилмалар коррупцияга қарши курашиш борасида мамлакатдаги исталган давлат органи ёки муассасасида текширув ўтказиш ваколатига эга.

Шунингдек, Литва махсус тергов хизмати, Латвияда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бюроси, Полшада коррупцияга қарши курашиш марказий бюроси ҳам ушбу модел асосида фаолият юритиб келмоқда.

2. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ваколатига эга бўлган идоралар коррупцияга қарши курашишга турлича ихтисослашган. Ушбу моделда коррупцияни аниқлаш, тергов қилиш ва бошқа масалалар ҳуқуқни муҳофаза қилиш ваколатига эга бўлган турли хил органлар томонидан амалга оширилади.

Мазкур моделга Норвегиянинг иқтисодий ва экологик жиноятларни тергов қилиш ва жиноий жавобгарликка тортиш миллий органи, Белгиянинг коррупцияга қарши кураш бўйича марказий идораси, Испаниянинг уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши махсус прокуратураси, Хорватиянинг коррупцияга қарши курашиш ва уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш идорасини мисол қилиб келтириш мумкин.

3. Коррупциянинг олдини олиш, давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва мувофиқлаштириш бўйича алоҳида институтлар. Ушбу модел ўз субъектлари ва ваколатларига қараб, бутун дунёда кенг тарқалган модел ҳисобланади. Унинг ҳам уч хил шакли бор.

Коррупцияга қарши курашни мувофиқлаштирувчи кенгашлар. Бундай тузилмалар одатда мамлакатда коррупцияга қарши курашни кучайтириш, ҳу-

сусан, унга қарши стратегияни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва назорат қилиш учун тузилади. Коррупцияга қарши кенгашлар (комиссиялар) давлат органлари ва вазирликлар, ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд ҳокимияти вакиллари ҳамда фуқаролик жамияти аъзоларидан иборат бўлиши мумкин. Одатда улар доимий муассаса тарзида ишламайди.

Коррупциянинг олдини олиш бўйича алоҳида органлар. Бундай органлар доимий фаолият олиб боради, ваколатлари ҳам кўпроқ бўлади. Улар коррупцияга қарши курашиш стратегияларини мувофиқлаштириб боради, коррупция хавфини баҳолашди, коррупцияга қарши кураш дастурларининг бажарилишини назорат қилади, манфаатлар тўқнашувининг олдини олади ва лоббизмга қарши курашади.

Ушбу моделга Словениянинг коррупциянинг олдини олиш комиссияси, Черногориянинг коррупцияга қарши кураш бошкармаси, Сербиянинг коррупцияга қарши кураш агентлигини мисол қилиш мумкин.

Коррупциянинг олдини олишга ёрдам берувчи давлат муассасалари ёхуд аксилкоррупциявий институтлар. Улар ўз тузилиши ва вазифасига кўра коррупцияга қарши курашда иштирак этса-да, аслида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ваколатини амалга оширмайди.

Ушбу муассасалар коррупция ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, давлат хизматчиларининг ахлоқ қондаларига риоя этишини назорат қилиш, давлат бошқаруви органлари ва парламентда активлар декларациясини назорат қилиш каби вазифаларни бажаради.

Ушбу моделга Руминиядаги миллий ҳалоллик агентлиги, Нидерландиядаги ҳалоллик масалалари миллий бюроси, АҚШнинг ҳукумат ахлоқий идораси, Буюк Британия жамоалар палатасидаги стандартлар бўйича парламент комиссиясини мисол қилиб келтириш мумкин.

Коррупцияга қарши курашувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳар бир давлатнинг қонунида ёки коррупцияга қарши кураш бўйича миллий стратегиясида белгилаб қўйилади.

Хусусан, Украинада коррупцияга қарши кураш миллий бюроси, Коррупцияга қарши ихтисослаштирилган прокуратура ва Украина коррупциядан ва бошқа жиноятлардан олинган активларни идентификациялаш, назорат қилиш ва бошқариш миллий агентлиги бир вақтнинг ўзида коррупцияга қарши курашиш бўйича асосий ваколатларни амалга оширади.

Индонезиянинг коррупцияга қарши кураш комиссияси коррупцияни текшириш ва таъкиб қилиш билан бирга

бошқарув функциясини ҳам бажаради. КПК Индонезиянинг 2002 йилдаги «Коррупцияга қарши кураш комиссияси тўғрисида»ги қонунига асосан қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларидан мустақил орган ҳисобланади.

КПК коррупцияга оид жиноятларни тергов қилиш, жиноий таъкиб ва айблов фаолиятини мувофиқлаштиради, тегишли муассаса ва органлардан коррупцияга қарши курашиш бўйича қилинган ишлар тўғрисида маълумотларни сўраб олади. Шунингдек, коррупцияга оид жиноятлар юзасидан тергов ўтказилади.

Руминия миллий аксилкоррупция дирекцияси коррупцияга қарши курашувчи махсус прокуратура бўлиб, порахўрлик ва коррупция билан боғлиқ жиноятлар терговни ва қонунда белгиланган айрим иқтисодий ва молиявий жиноятлар бўйича таъкибни амалга оширади.

Озарбайжонда Коррупцияга қарши курашиш комиссияси ва Бош прокурор хузурида коррупцияга қарши кураш департаменти ташкил этилган.

Коррупцияга қарши кураш комиссияси қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд органларидан мустақил орган ҳисобланиб, беш аъзодан иборат бўлади, коррупцияга қарши миллий стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни мувофиқлаштиради.

Бош прокурор хузуридаги коррупцияга қарши кураш департаменти алоҳида орган бўлиб, Озарбайжоннинг бутун ҳудудда коррупцияга оид жиноятлар бўйича жиноий таъкибни ва терговни амалга оширади.

Хорватиянинг коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича давлат прокуратураси 2001 йилда қабул қилинган коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги қонунига асосан фаолият олиб бормоқда.

Буюк Британиянинг мураккаб фирибгарлик жиноятларига қарши курашиш офиси давлатнинг коррупцияни аниқлаш ва тергов қилиш учун масъул бўлган махсус бўлимаси бўлиб, офис бошлиғи Бош прокурор томонидан лавозимга тайинланади.

Офис мураккаб фирибгарлик ва коррупциявий жиноятларни тергов қилиш ва айбдорларни жавобгарликка тортиш борасида миллий ва хорижий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва бошқа органлар билан ҳамкорлик қилади.

Муҳсинжон ҒОИПОВ,
Бош прокуратура академияси
магистратураси тингловчиси

КИМДИР ИЙМОН, КИМДИР ҲАМЁН ДАРДИДА



Коронавирус туфайли нафақат мамлакатимиз аҳолиси, балки курраи замин бугун бир вужуд, халқлар ва элатлар эса бир оиладек бирлашиб ҳаракат қилмоқда. Тиббий муассасалар ходимлари ҳам ватан ва халқ олдидаги бурчини теран аниглаб, кечани кеча, кундузни кундуз демай беморлар тепасида парвона бўлаёпти.

Халқимиз азалдан саховатпешалиги, бағрикенглиги, йиқилгани суяши билан бошқа халқларга ўрнак бўлиб келган. Иккинчи жаҳон уруши пайтида ўзи оч-юпун бўлса-да, уруш кетаётган жойлардан кўчирилган қариялар, аёллар ва болаларга иссиқ бағридан жой бериб, борини улар билан баҳам кўрган.

Сахийлик энг яхши одатлардандир. Аллоҳ таоло сахийликни инсонларнинг энг яхши фазилатларидан санаб, сахийларга охирагга улкан ажр-савоблар бўлишининг хабарини берган.

Юртимизнинг ўзига тўқ кишилари ҳам аждодларнинг ибратли амалларини давом эттириб, эл бошига иш тушганда пандемия ва табиий офатлар туфайли даромадини йўқотган оилалар, камбағаллар ва етим-есирларга имкон қадар ёрдам қўлини чўзмоқда. Улар айниқса эзгулик, меҳр-оқибат айёми бўлмиш Рамазон ойида бошқа оилардаги нисбатан садақа улашмоқчи сахови

кўплигини инobatта олиб саховат кўрсатишга ҳаракат қилишди.

Бирок коронавирус буткул бартараф этилганидан кейин ҳам у билан боғлиқ хотиралар хали кўп йиллар бизни тарк этмаслиги тайин. Карантин бўларкан деган гапни эшитиб кўп кишиларнинг тонналаб маҳсулот жамғаргани-ю бундай вазият қайтиб бўладими-йўқми деган ҳаёлда унинг нархини осмонга чиқариб юборган бозорчиларни, ҳамма уйда бикиниб ётганидан фойдаланиб қинғирлигига йўл очилганидан шод олғирларнинг қилиги, ҳайдовчиларнинг тўрт қадам йўлга отнинг қалласидай бўлмаса ҳам чўнтакни зиркиратиб юборадиган ҳақ талаб қилганини афеус ва кулгу билан ёд эттишимиз шубҳасиз.

Қашқадарё яшил худудга ўтганининг дастлабки кунлари «Замон» ахборот дастурининг вилоятдаги мухбири Шавкат Аминов ёзириб қолди:

– Фарзандларим «ота, қишлоққа момоларникига бориб келайлик, уйда

зерикиб кетдик» дейишапти. Чамалаб кўрсам, шу кеча-кундузда оилам билан қишлоғимга, яъни Шахрисабзга борадиган бўлсам, йўлқиранинг ўзига бориб-келишимиз учун 300 минг сўмдан (киши бошига 50 минг сўмдан ҳисоблаганда) ортиқ пул керак бўларкан.

3-сентябрда ўқийдиган ўғлимнинг кўзларида ҳақиқатан бобо-момосини соғинганлик ифодасини илғайман. Кўп қанчали уйда бир ҳафта кўчага чиқмаслик азобини эса шу шаронгта яшайдиганлар яхши билишади. Болаларим карантин туфайли нақд бир ярим ой ташқарига чиқишмади. Ўзим ҳам ота-онамни кўргани боришга ошиқардим...

Бугун кимдан сўраманг, йўлқира ҳақининг кескин ошиб кетганидан нолиганига гувоҳ бўласиз. Илгари биргина Қарши шаҳри ичида йўлқира ҳақи 2000-3000 сўмни ташкил этарди. Бугун-чи?

– Қарши туманининг Қовчин қишлоғидан ишга қатнайман, – дейди Қашқадарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ахборот хизмат раҳбари Нуриддин Эгамов. – Илгари ишга келиб-кетишим учун 8000 сўм сарфлаган бўлсам, бугун қира ҳақи 16000 сўмга кўтарилибди. Шаҳар ичида ҳам битта бекат учун 5000 сўм сўрашади. Узокроққа бормокчи бўлсангиз 10000-15000 сўм дейишади. Ишга боришга мажбур бўлган одам ноилж шу нархга кўнади-да. Бирок ҳамманинг ҳам чўнтаги бу нархни кўтармайди. Ҳайдовчиларга эътироз билдирсангиз, негадир улар карантинда уйда ўтиришганини, даромад қилишмаганини илдоа қилишади. Кулгинг келаркан, ахир карантин фақат таксичилар учун бўлмади-ку. Инсофсизлик ҳам эви билан-да.

Назаримизда вазиятни тартибга солишнинг қийин томони йўқ. Фақат мутасаддилар хизмат машиналаридан тушиб, бир-икки кун такси хизматидан фойдаланишса, ҳамма катори бир бекат учун беш минг сўмдан тўлашса кифоя. Бирок улар бундай қилишларига ишонгимиз келмайди. Чунки қайси машинага чиқманг, ҳайдовчисини масъулиятли идораларда ишлайдиганларнинг кимидир бўлиб чиқали. Нарх ана шу

«ишонч» ортидан кўтарилаётган бўлса ажаб эмас. «Истасанг шу, истамасанг ўзинг биласан» қабилида без бўлиб турган ҳайдовчиларнинг нигоҳларида бирова қайишадиган илиқликни кўриш амримаҳол. ЎзАнинг бош муҳаррири Абдужалол Тайпатов телефон орқали суҳбатимизда Қаршидан Тошкентга қатнайдиган таксилар 300 минг сўмдан камига рози бўлмаганидан шикоят қилиб қолди. Ваҳоланки, илгари таксилар Тошкентга 40-50 минг сўмга, жуда қиммат бўлган пайтларда 70-80 минг сўмга қатнарди.

Карантин чекловларининг юмшатилиши муносабати билан вилоят ҳокими Зойир Мирзаев аҳолига, айниқса, йўловчи ташиш билан шуғулланувчи такси ҳайдовчиларига қилган мурувжаатида автомобилналар салонидан уч кишидан ортиқ йўловчи бўлмаслиги, шу билан бирга, машинага ҳайдовчи ва йўловчиларни ажратиб турувчи плёнка ўрнатиш шартлигини таъкидлаган эди. Қолаверса, вазиятдан келиб чиққан ҳолда қира ҳақини оширмаслик бўйича ҳам топшириқлар берилганди.

Юқорида келтириб ўтилган мисолларда эса бунинг аксини кўрдик. Тааж-жуби томони ҳамма эшитган, ҳамма биладиган юқоридаги каби ҳолатларни шу соҳани назорат қиладиганлар эшитмаётганидандир. Улар кўриб турса-да, ўзларини кўрмасликка, билиб турса-да, билмасликка олишаёпти. Кимдир карантин даврида таксилар фаолият кўрсатмади-ку деса, буни фақат қонуний лицензияси йўқлар, яъни инсофи борларгина фаолият кўрсатмади деб тушунинг. «Арзанда»лар эса бу вазиятдан мохирона фойдаланиб қолиб, бир зум бўлса-да ҳаракатдан тўхташмади, озгина сиққан нархни айтиб, бошқаларнинг мушкул вазиятидан ўз манфаати йўлида фойдаланиб қолди.

Ҳа, кимдир иймон, кимдир ҳамён дардида юрибди. Аллоҳ ҳар кимнинг ўзига инсоф берсин. Бу қунлар ҳам ўтиб кетар. Шунда бир-биримизга ёруғ юз билан қарай олсак бас.

Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Нидо»

JINOYAT VA JAZO

ИЛЛАТЛАР ДОЯСИ

Спиртли ичимликдан инсонга наф йўқ. Аксинча, чин дўстлардан айиради. Иродасиз, ожиз кишилар эса, бирор муаммога дуч келса, ичкиликдан таскин топишга уринади.

Кундан, кунора шароб билан кўнглини хушлайдиган кимсалар кун келиб нохуш ҳолатлар юз беришга сабаб бўлади.

Бир куни Аҳмад (исмлар ўзгартирилган) дўкундан қайтаётган, Қаримнинг ошхонасига кирди. Бу ерда овқатланиб, спиртли ичимлик ҳам ичиб олди. Маст бўлиб қолган Аҳмад Қарим билан жанжаллашди. Шу ердагилар уларни ажратиш кўйишди. Шу сабаб Аҳмад Қаримдан ўч олишни кўнглига тутиб қўйди.

Орадан уч кун ўтди. Аҳмад ўша куни ҳам ҳамқиш-

лоғи билан спиртли ичимлик ичган эди. Бироздан сўнг шериги уйига кетди. Лекин Аҳмад уйига қайтмади. Бир неча кун олдинги режасини амалга оширишни ўйлади.

Вакт алламаҳал бўлганда Қаримни излаб борди. Ошхона ёпилган, атрофда ҳеч ким йўқ эди. У қўлидаги арматура билан эшик ойнасини синдирди. Шу онда симёғочдаги кузатув камерасини кўриб қолди. Аввал симёғочдаги электр ҳисоблагични бузди. Кейин икки дона кузатув камерасини олиб кетди.

Йўл-йўлакай ганишиникига кириб, камераларни



«вақтинча шу ерда турсин» деб бериб ўтди.

Ошхонасидан хабар олишга келган Қарим синган ойнани кўриб ИИБга хабар берди.

Ярим тунда маст, тентираб кетаётган Аҳмад ИИБ ходимларига йўлиқди. Ходимлар уни идорага олиб борганда йигит қилмишларини сўзлаб берди.

Суд Аҳмадга ҳар ойлик иш ҳақининг 10 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил муддатта ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлади.

Абдуманнон ШЕРАЛИЕВ,
Пайарик тумани прокурорининг ёрдамчиси



КАМПИРНИНГ ГУМОНИ...

Одам боласининг ўта ваҳшийликка қўл уришига нима сабаб бўлади? Буни биргина сўз билан ифодалаб бўлмаса керак. Йиллаб давом этаётган нохуш гап-сўзлар, ўзаро ҳурматнинг йўқолиши бундай дилхираликлар содир бўлишига туртки бўлади.

Абдулла Жалилов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) етмиш ёшга киради. Турмуш ўртоғи Манзура момо билан тўрт фарзандни воёга етказишди. Йиллар ўтиб бобо-момо бўлиб фарзанду набираларига ўрناق бўлиб ўрнига чолу кампир арзиманган баҳона билан уришиб, тортишар эди. Эр-хотиннинг ўртасидаги бундай жанжаллар бошланганига анча бўлган.

Қолаверса, катта ўғлининг уй масаласидаги тортишувлари қўшимча бўлди.

Ўша кунни Абдулла бобонинг туғилган куни эди. Эрталабдан уйдан чиқиб кетди. Ўзини-ўзи хурсанд қилиб, каналга бориб чўмилди. Кейин бир кафега кириб овқатланди. Спиртли ичимлик ҳам ичиб олди. Уйга кайтаётиб, маҳалладошларининг шахмат ўйинини бироз кузатди. Соат тахминан 18:00 ларда уйга кийинлашди. Йўлақда келини Хуморага дуч келди.

Эр-хотин ва уч боласи улар билан бирга яшайди.

– Онам уйда сиздан хафа бўлиб ўтирди, – деди келини.

Абдулла бобо уй кийимларини кийиб, мехмонхонага ўтди. Икки набираси болалар боғчасида, кенжаси хали жуда кичкина. Манзура момо хонада ёлғиз эмас, катта қизининг ўғли Олим бувисининг телефонини ўйнаб ўтирганди.

У хонага киргандан сўнг яна тортишув бошланди. Манзура момо ёнидаги набирасини ҳам унутди. Келинининг шаънига ҳақоратли сўзлар айтди. Гапларнинг бир учи қайнотага тегарди.

– Бўлди кил. Бу гапларингни бирор ким эшитса, ўғлимизнинг оиласи бузилиб кетади.

– Бузилса бузилар. Нимага доим шунинг ёнини олассиз? Бирор гап борми ёки? – Манзура момо жадлига эрк берди.

Бу гап қанчалик ҳақиқатга яқин, бугеин бизга қоронғу. Лекин кампирнинг озгидан бир гап чиқди, эшитган қўлоқларга келади: «Келиннинг боласи сиздан, ўртангизда бир гап бор».

Абдулла бобонинг тепа сочи тикка бўлди. Аёлининг гапларидан жони бўзига келди.

Кампир бу гап билан чекланмади. Анча ҳақорат ёғдирди.

Узоқ йиллардан бери давом этаётган ўзаро ҳурматсизлик, қолаверса, танасидаги спиртли ичимлик ўз кучини кўрсат-

ди. Абдулла бобони кучли нафрат ўз измига олди. Стол устида турган пичокни олиб кампирга ўқталди.

– Бўлди кил дедим, озгингни ёп. Бўлмаса ҳозир шуни тикиб оламан!

– Эраққ бўлсанг ўлдир, кўлингдан келадими? – деди кампир чолига тик бокиб.

Абдулла бобо аёлининг гапларини эшитмади. Унинг устига чиқиб, дуч келган жойига пичок санчди. Ўзига келганда эса кампир қонга беланиб ётганди.

Уларнинг жанжалидан кўриқиб қолган Олим тезда онасига кўнғирок қилди. Аммо онаси етиб келгунча бўлар иш бўлганди. Шундан сўнг янгасига кўнғирок қилди.

Абдулла бобо шу пайтнинг ўзида ИИБга бориб, бўлган воқеани сўзлаб берди.

Етиб келган тез ёрдам ходимлари Манзура момонинг вафот этганини айтди.

Суд мажлисида Абдулла бобо кампирини ўлдириш нияти бўлмаганини, унинг гаплари эраққлик шаъни ва гурурига тегиб кетгани учун жадлига эрк бериб юборганини, ҳозир қилмишидан қаттиқ пушаймон эканини, ёшени инобатга олиб қонуний энгиллик берилишини сўради.

Суд ҳукми билан Абдулла Жалилов 13 йилга озодликдан маҳрум қилинди. Жазони умумий тартибли калонияда ўтайдиган бўлди.

Ҳа, бу ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Торга тор, кенга кенг дунё деганларидай, ёши бир жойга бориб қолган, пиру бадавлат ёшдаги бу кимсалар наҳотки йиллар давомида турмушнинг баланд-паст сўқмоқларидан сабоқ олманган бўлса. Бир томондан спиртли ичимлик таъсири, бошқа томондан жадлини жиловлаёлмагани Абдулла Жалиловни панжага ортига етаклади.

Ёшлар хатога йўл қўйса, уларни ёш, турмуш зарбалари олдида ожиз деймиз. Аммо ёши улғу бу каби кимсаларга на панду насаҳат қилиб бўлади, на дашном бера олади одам. Хулоса ўзингиздан. Хеч кимни жадл, нафрат йўлдан адаштира-син.

Шохрух САМАНДАРОВ,
Бош прокуратура бошқарма АМИБ
терговчиси

КЎЗ ЁШ ВА НАДОМАТЛАР ИЛДИЗИ

Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши қўп жиҳатдан фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятига боғлиқ. Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва бурчларини пухта билиши, буни ҳаётини эҳтиёж сифатида англамоғи лозим. Фуқароларда ҳуқуқий маданият ривожланмас экан, жамиятда ёз-ёзлар авж олиб, аризабозлик урчийверади.

Сўнги вақтларда республикамизда турли идоралар мутасаддилари ёки баъзи шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари камситилишига оид турли хабарлар тарқалмоқда. Бунинг асл сабаби одамларда ҳуқуқий билим етишмаслигига бориб тақалди.

Мисол учун, ижтимоий тармоқда тарқалган видеоний кўришга чоғландим. Кўринишидан одмигина кийинган аёлга атрофдагиларнинг гап-сўзи, фикр-мулоҳазалари қор қилмасди. Янги курган уйининг ҳеч қандай сабабсиз бузилаётганини кўзида ёш билан изохларди. Ушбу видеони томоша қилганларнинг барчаси давлат бошқарув тизими ҳақида салбий фикрини ёшиб қолдиришга шояшладди. Аммо аёл қандайдир ноқонуний ишга қўл ургандирки, унга нисбатан чора кўрилаяпти деган гап ҳеч кимнинг ҳаёлига келмайди?! Аслида-чи...

Қолат ўрганилган, барчасига ойдинлик киритилди. Маълум бўлишича, аёл фермер билан тил бириктириб, хўжалик хисобиде турган ерни ноқонуний равишда ўзлаштириб олган экан. Унинг ерга эгаллик қилиш бўйича ҳеч қандай асоси бўлмаганда, фермернинг гапига ишониб, уч хонали уй қуриб олгани аниқланди.

Уй – ҳар бир инсоннинг ватани. Инсон хотиржам яшаш учун макон. Уйи бор одам келажакка ишониб, бемалол умргузаронлик қилади. Шунинг учун уйни бузиш ҳар бир виждони уйғок инсон учун жуда оғир юмуш. Бундай вазият кишидан сабр, матонат, ирода талаб этади. Шу боис ҳар бир фуқаро уй қуришда қонун талабига риоя этиши керак. Агар қуриб олай, кейин бир гап бўлар деган ўйда бўлсангиз мушкул вазиятга қолишингиз тайин. Келтириб ўтганимиздек, ўйламай қилинган иш инсонга ташвиш келтиради.

Яқинда бир фуқаро ташкилотимизга жуда серкатнов бўлиб қолганини қўриб, уни қийнаётган муаммо билан қизикдим. У ўзини жабрдийда қилиб кўрсатишга ҳаракат қиларди.

– Сингим, 1999 йилдан буён фойдаланиб келган томоркамни ўз номимга ўтказиб олиш учун 2018 йилда қилган мурожаатимга ҳалига ҳақов ололмайдим. Мутасаддилар эрта келинг, индин келинг деб сарсон қилгани-қилган. Мана уч йилдики, муаммом хал этилмайди.

Унинг қўлидаги ҳужжатлар билан бирма-бир танишиб чикдим. Ўтган уч йил давомида бир хил мазмундаги ариза туман ва вилоятдаги 7 та мутасадди ташкилот раҳбарларига, қолаверса, Президент ва бош вазир қабулхоналарига ҳам юборилган. Унинг ҳар бир хатига «Сиз ўтган йиллар давомида давлатга солиқ тўламай, ўз манфаатингиз учун фойдаланиб келган фермер ҳўжалигининг балансида турирди. У ердан ноқонуний фойдаланиб, узоқ йиллар давомида даромад олиб келгансиз. Мазкур ер уй қуришингиз учун сизга берилмайди» деган мазмунда жавоб хати келган. Қўлимдаги жавоб хатларини кўрсатганимда мурожаатчи «Бу мурожаат-

тимга муносиб жавоб эмас. Менинг мурожаатим ижобий ҳал этилсагина, ёшидан тўхтаман. Ижобий ечим топилмагунча ёзаверман» деб яна бир даста қоғозни менга узатди. Унда бу одамга кимдир уй қуриши мумкинлиги тўғрисида қандайдир идоранинг хулосасини тайёрлаб берган ва бу Давлат хизматлари агентлиги орқали амалга оширилганини айтиб, ундан 1 млн. 200 минг сўм пул ҳам олишган. Эндиликда бу фуқаро сарсон. Лекин кимнинг айби билан шу ҳолатга тушган – буни ўзингиз англадингиз.

Айни пайтда шунга ўхшаб кўчадаги «қожабарор»ларнинг ёлғонга учганлар кўпайиб бораёпти. Газета, китоб ўқимайдиганлар, ўзининг ҳуқуқий онгига бефарқ инсонлар шу кўйга тушади.

Хулоса қиладиган бўлсак, фермер ҳўжалигининг балансида турган ердан йиллар давомида солиқ тўламай, ноқонуний равишда фойдаланиб келган фуқаронинг аризаси ижобий ҳал этилиши мумкинми?!


Яқинда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар учун қурилган янги уйлاردан бирига муносиб деб топилган фуқаролардан бири қўлидаги сертификат билан эшик қоқиб келаркан, салом-алиқни ҳам насия қилиб, «Бизга берилган уй Президент совғаси бўлса, нега сўнг учун пул тўлашимиз керак?» дея сўз бошлади. Қўлидаги ҳужжатлардан бирига кейинги тўловларни ўзи амалга ошириши тўғрисидаги шартномага имзо қўйган. Маълум бўлишича, ноғиронларга берилган уйлارнинг бошланғич тўловини давлат тўлаб берган. Қолганини ўзлари тўлаб беришлари белгиланган. Бироқ ҳуқуқий маданиятнинг етишмаслиги бу ҳолатни тўлиқ тушуниб олишга ҳалал берган.

Ҳозирги вазиятда иморат тиклашнинг ўзи бўлмайди. Пул сарфлаб уй қуришга киришишдан олдин унинг заминини (ҳужжатларини) мустаҳкамлаб олиш учун катта билим ҳам, заковат ҳам талаб этилмайди, инсонда ҳуқуқий онг шаклланган бўлса қифоя.

Бу ҳақда гап кетганда яна бир омилни келтириб ўтиш жоиз. Ерларни ноқонуний эгаллаб олаётган фуқароларнинг кўпайишига ўша ердаги мутасаддиларнинг бефарқлиги, ўз вақтида тўғри маслаҳат бермасдан, ноқонуний ҳаракатларга панжа орасидан қарагани ҳам сабаб бўлган. Ҳатто айрим мутасаддиларнинг ўзлари ўша ноқонуний ишларга бош-қош бўлаётгани галвир сувдан кўтарилганда маълум бўлаёпти.

Мақсадимиз бировни оқлаш ёки қоралаш эмас. Аксинча, ҳаётда, кўз ўнгимизда бўлаётган воқеаларни таҳлил қилиб, ҳамюртларимизга масулуиятини эслатиб қўйиш.

Нигина ШОЕВА,
журналист



СОХТА ХОДИМ

Инсоннинг кимлигини кўрсатадиган ҳужжат – таржимаи ҳол. Агар шу ҳужжатда «қора доғ»лар бўлса, билинги, у одам ҳаётда кўп хатоларга йўл қўйган ёки жиноят кўчасида тентираган бўлади. Умиджон Тилаковнинг таржимаи ҳолини асосан муқаддам судланган деган тамға «безаб» туришидан кўринадики, у хатолардан сабоқ чиқармаган.

У.Тилаков илгари тўрт марта судланган. Жазони иккунга муассасасидан 2019 йилда чиқиб келган Умиджон панжара ортида ўргангани ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг ўзини тутиши-ю гапириш услуби бўлди. Бу шунчаки ҳавас эмас эди. У кейинги ҳаётида ўрганганларини қўлаб оsonроқ пул топишга йўл қилди. Ўтган йилнинг август ойларида Навоий вилояти солиқ бошқармаси навбатчилик қисмига телефон қилиб, ўзини вилоят прокуратураси ходими Сатторовман деб таништириб, Навоий мой заводи директорининг телефон рақамини топиб, телефонлашиб, турли баҳоналар билан 1 миллион сўмни қўлга киритди. Шундан сўнг жиноятчиликнинг янги қиррасини очганидан хурсанд бўлиб кетди. Пули тугай бошлагач, янги курбон топишга кийналмади. Бу гал Қашқадарё вилояти «Қишлоқ хўжалик кимё» акциядорлик жамияти Чирокчи тумани филиали раҳбарини ҳам ДХХ ходими Искандарман деб тўқибган эртасига ишонтириб, 1 миллионни қўлга кўриб кетди. Шундан сўнг «Чирокчи

пахта тозалаш заводи» директори, «Дехқонobod тумангаз» филиали раҳбарини қийналмай алдади. Чунки ДХХ ходими ишончли одам деган фикр ҳаммада устувор-да. Қолаверса, қидирувдаги жиноятчилар ёки террорчиларга қонуний жазо бериш билан боғлиқ ишга менин ҳам ҳиссам қўшилади-ку деган ўй билан пулни чиқариб бераверишган фуқаролар фирмаларнинг тузогига тушганини билишмасди.

У Навоий вилояти маълумотлар бюросидан Зарафшон шаҳар деҳқон бозори директорининг телефон рақамини олди. Директорнинг номерини терар экан, хаёлан унинг иктисодий аҳволини чамалади. «Бир миллион бозор директори учун нима деган гап?! Арзмаган пул...».

- Шавкат акамисиз?
- Лаббай, гапиринг. Ким бу?
- Мен Давлат хавфсизлик хизмати ходими Искандарман.
- Лаббай, акажон!
- Қидирувга берилган террорчиларни Термиздан Тошкентга юбориш учун бироз маблағ етишмаяпти. Ўзим Қорақалпоғистондаман.

– Қанча юборай, ким билан юборай? – овози титраб чиқарди бозор директорининг.

– Бир миллион сўм етди. Борганда албатта пулингизни кайтараман. Сурхондарёга такиси орқали жўнатасиз...

Келишилганидек йўлга чиққан «пochта» сохта ДХХ ходими Искандарга Қарши – Термиз йўналишидаги такси ҳайдовчиси орқали сомонхонагача етиб келди.

Искандар никобидаги Умиджон Тилаков айтилган «ўлжа» қолдирилганини билгач келиб сомсачидан оқ коғозга ўралган пулни олиб, бироз нафасини ростлагандек бўлди. Бироқ орадан 5-10 дақиқа ўтмай ўзларини департамент ходимлари деб таниган йигитлар курсида қолди...

Суд унга қилмишига яраша жазо тайинлади.

Нима ҳам дердик, бузоқнинг ютургани сомонхонагача деганлари рост. Бу гал У.Тилаковнинг кўзи очилгандир?.. Буни вақт кўрсатади.

Рамзиддин НУРИДДИНОВ,
департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси бўлим инспектори

ФАОЛИЯТГА ҚЎЙИЛГАН ТЎСИҚ

Департаментнинг Миришкор тумани бўлими ва туман прокуратураси ҳамкорлигида «Т.Б.» паррандачилик хўжалиги иш бошқарувчиси А.Т.нинг фаолиятига тўсқинлик қилинаётгани ҳақидаги мурожаати ўрганилди.

Маълум бўлишича, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими стажчи мутахассиси Х.Р. ушбу фермер хўжалиги иш бошқарувчисини 2 гектар ерга экилган бугдой учун 2 миллион сўм бермаса, экин майдонини ҳайдашиб ташлаш билан кўрkitган. Таҳдид билан аввал 500 минг сўмни қўлга киритган. Аммо бунга қаноат қилмасдан «қолганини» ҳам талаб қилиб туриб олган. Оқibatда у 1 миллион 500 минг сўм пулни ўтказилган тезкор тадбир давомида олаётган қўлга тушди.

Х.Р.га суд ҳукми билан жазо тайинланди.

Биргина тадбиркор ўнлаб одамларни ишли қилади, уларнинг оилаларига барака киришига сабабчи бўлади. Давлат газнасига миллионлаб сўм солиқ тўлайди. Шу орқали юрт ривожига салмоқли ҳисса қўшади.

Шундай экан, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш аввало мамлакат истиқболини кафолатлаш демакдир. Хусусан департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан 2019 йилда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимояси билан боғлиқ 44 та қонунбузарлик аниқланиб, барчаси юзасидан жиноят иши қўзғатилган.

Шавкат РАҲМОНОВ,
департаментнинг Миришкор тумани бўлими бошлиғи



ЕТИБ КЕЛМАГАН ШАРТНОМА

Бугунги кунда тадбиркорлик ва кичик бизнес соҳаси жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг таянчига, юртимизни тараққийёт йўлидан фаол ҳаракатлантирувчи кучга айланиб бормоқда.

Шу боис Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Хоразм вилояти бошқармаси томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолияти учун қулай муҳит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, департаментнинг Хонқа тумани бўлими ўтказган тезкор тадбирда туманда фаолият юритаётган тадбиркорнинг ҳуқуқий манфаатлари ҳимоя қилинди.

Сарапаён қишлоғида яшовчи Б.Н. тумандаги оилавий корхона раҳбари С.А.га турмуш ўртоғи туман мактабгача таълим бўлимида ишлашини, барча мактабгача таълим муассасаларига озик-овқат етказиб бериш учун турмуш ўртоғи орқали шартнома тузишига ёрдам кўрсатишини айтиб, эвазига ундан 6 млн. сўм талаб қилади. Шу куннинг ўзида корхона раҳбари С.А.дан 3 млн. 700 минг сўм пулни ҳам олади.

Лекин озик-овқат етказиб беришга келишилган шартнома оилавий корхона раҳбарига етиб келмайди. Фирмага алданган тадбиркор мазкур ноқонуний ҳолат юзасидан департаментнинг Хонқа тумани бўлимига мурожаат қилади.

Тадбиркорнинг аризаси асосида ўтказилган тезкор тадбирда хонқалик Б.Н. тумандаги мактабгача таълим муассасаларига озик-овқат етказиб бериш учун ваъда қилинган шартнома эвазига келишилган 6 млн. сўм пулдан 2 млн. 300 минг сўмни олаётган вақтида ашъвий далиллар билан ушланди.

Ушбу шахснинг қилмиши бошқалар учун ҳам сабоқ бўлиши керак. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилди.

Муҳаммад ЮСУПОВ,
департаментнинг Богот тумани бўлими катта инспектори

«ФЛОРЕНЦИЯ»ДАГИ ФИРИБГАРЛИК

Бу йилги карантин пайтида республикамиздаги олий ўқув юртларига қабул жараёни қандай кечади деган савол кўпчиликини қизиқтираётган эди.

Ўтган ҳафтада 2020/2021-ўқув йили учун қабул жараёнларига бағишланган брифингда бу саволга мутасаддилар томонидан жавоб берилди. Унга кўра олий таълим муассасаларига ҳужжатларини қабул қилиш 15 июндан 15 июлга қадар давом этиши маълум бўлди. Кириш имтиҳонлари эса 20 июндан 20 августга қадар ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Энди абитуриентларни алдаб, «ўқишга киришиб қўяман, тестни ҳал қилиб бераман» дея пул ишлаб олиш илтижидида «оҳжатбардор»лар анча гинирлаб қолади. Шу сабабли эгри йўл билан ўқишга кириш ниятида бўлган баъзи абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарига сабоқ бўлиши учун бир воқеани келтирамиз.

Толиб Ҳайдаров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) пойтахтимиздаги нуфузли олий ўқув юртларининг бирида талабаларга жисмоний тарбиядан сабоқ беради. Шунингдек, ишига яқин жойдаги сунъий сув ҳавзасига чўмилиш учун келган одамларга сузишни ўргатиб, мураббийлик қиларди.

Т.Ҳайдаров ишлаётган сув ҳавзасига Салима Орипова фарзандларини тез-тез олиб келгани учун икковлари таниш бўлиб қолган эди. Сухбатларининг бирида Т.Ҳайдаров Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетига ўқишга қирадиганлар бўлса, танишлари орқали ёрдам беришини айтиб, С.Ориповага қармоқ ташлайди. Аслида у кириш имтиҳонларини ташкил этиш ва назорат қилиш ваколатига эга эмас эди.

С.Орипова унинг гапларини таниши Аббос Алиевга етказди. Ўз навбатида у ҳам Т.Ҳайдаров-

нинг алдовига учиб, таклифни жияни Шариф Саидовга айтади. Хуллас, Шариф бу фирибга ишониб, ота-онасини ҳам кўндиради. Шундан сўнг улар телефон орқали Т.Ҳайдаров билан танишиб, учрашадилар. Университетга кириш баҳоси 4 минг доллар қилиб белгиланади.

Шарифнинг ота-онаси фарзанди учун талаб қилинган пулни беришларини айтади, аммо улар Т.Ҳайдаровни танимасликлари, агар «оҳжатбардор» фирибгар бўлса, пулни Аббос Алиевдан талаб қилишларини ҳам кистириб ўтадилар. Бу гапдан Аббос анча хушёр тортади. Шундан сўнг у ушбу ҳолат ҳақида тегишли жойга ариза билан мурожаат қилади.

2019 йилнинг 13 июль кунини тушдан сўнг А.Алиев ва Ш.Саидов Юнусобод туманидаги «Флоренция» тўйхонаси олдида Т.Ҳайдаров билан учрашишди. Келишувга асосан Шариф 4 минг долларни Т.Ҳайдаровга беради. Аммо фирибгар пулни олиб узоққа кетолмади. А.Алиевнинг аризаси асосида департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳамда Юнусобод тумани бўлими ходимлари ўтказган тезкор тадбирда Т.Ҳайдаров ашъвий далил билан ушланди.

Жиноят ишлари бўйича Юнусобод тумани суди томонидан унга нисбатан ҳукм ўқилди. Унга кўра Т.Ҳайдаровга жарима солинди.

Шухрат УРАЛОВ,
департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим катта инспектори



ТАДБИРКОР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

Йирик ишлаб чиқариш корхонаси – «Марғилон буюк текстиль» МЧЖ ва Наманган вилоятидаги «NBU invest group» МЧЖ раҳбарлари маҳсулот етказиби бериш ҳамда хизмат кўрсатиш борасида ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олишди. Шартномага биноан наманганлик тадбиркор салкам 1 млрд. 500 млн. сўм пулни ишончли туюлган ҳамкорнинг ҳисобрақамига ўтказиб берди.

Бироқ бу пул сувга тушган тошдай ғойиб бўлди. «Марғилон буюк текстиль»дан садо чиқмади, шартнома умуман бажарилмади. Ушбу иш корхона рўйхатдан ўтган ҳудуд бўйича Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилиб, «NBU invest group»га 1 млрд. 488 млн. сўм ундириш белгиланди. «Марғилон буюк текстиль» МЧЖнинг раҳбарлари юқори суд органларига мурожаат қилиб, турли важдар билан қарзни бўйнидан соқит қилишга уринишди. Лекин биринчи босқич суднинг асосли қарори ўз кучида қолдирилди. 2020 йилнинг 12 март куни суд ижро варақаси бюронинг Марғилон шаҳар бўлимига келиб тушди.

Қонун талаби бўйича дастлаб қарздорга 15 кун муҳлат берилди. Суд қарори ижросини таъминлама-

ганидан сўнг қарздорнинг банкдаги ҳисобрақамларига инкассо топириғи кўйилди. Шунда ҳам қарзни тўлаш пайсалга солинаверди.

Охириги чора сифатида май ойининг бошида давлат ижрочилари «Марғилон буюк текстиль»га тегишли бинолар ва ишлаб чиқариш дастгоҳларини хатлашга киришишди. Ниҳоят суддан курук чиқа олмаслигига кўзи етган қарздор суд ҳужжатида белгиланган 1 млрд. 488 млн. сўмни наманганлик тадбиркорнинг ҳисобрақамига ўтказиб берди.

Элёр УСМОНОВ,
МИБ Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

ГАЗ ЎҒРИЛАРИ УШЛАНДИ

Сўнгги вақтларда истеъмолчиларга табиий газдан оқилонга фойдаланиш лозимлиги тушунтирилаётган бўлса-да, қинғир ишга қўл урадиган «тадбиркорлар» ҳамон учраб турибди.

2020 йилнинг 2 май куни бюронинг Куvasой шаҳар бўлими тезкор ходимлари тунги рейд ўтказиш жараёнида Бог-бон қишлоғида жойлашган оҳақ цехини кўздан кечиришганида корхона раҳбари И.Далажонов ўзини галати тутиб, гўё ҳаммаси жойида эканлигини тушунтиришга уриниш шубҳа уйғотди. Тадбирга жалб қилинган мутахассислар газ ҳисоблагич ускунасини текшириганида унинг механик қисмига сим орқали ташқи таъсир кўрсатилиб, ҳисоблагич тўхтатиб қўйилгани ва табиий газдан ноқонуний фойдаланиб келинаётгани аниқланган. «Тадбиркор» шу тарика Куvasой шаҳар газ таъминоти кор-

хонасига 24 млн. 195 минг сўм моддий зарар етказган. Ушбу зарар тўлиқ қопланди.

Шунга ўхшаш ҳолат Дўстлик қишлоғида жойлашган гишт заводиди ҳам аниқланди. Завод раҳбари С.Исоқжоновнинг ноқонуний қилмиши давлатга 44 млн. 880 минг сўмга тушган.

Ҳозир ушбу ҳолатлар юзасидан бюронинг Куvasой шаҳар бўлими томонидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Худди шундай яна бир ҳолат Олот тумани Баёт қишлоғида яшовчи Х.Шукруллаевнинг хонадониди ҳам аниқланган. Хонадон эгаси электр тармоғига

тўғридан-тўғри улашиб, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиб келгани натижасида таъминотчи корхонага 36 млн. 383 минг 900 сўм зарар етказган.

Терговга қадар текширув давомида Х.Шукруллаевга қонун талаби тушунтирилиб, етказилган 36,3 млн. сўмлик зарар ихтиёрий қоплангани муносабати билан тўпланган ҳужжатлар юзасидан жиноят иши кўзгагишти рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Саидқосим БУРХАНОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим бошлиғи

ҚУРУВЧИЛАР МИБ ХОДИМЛАРИНИ КЎРМАЙ ҚОЛИШДИ

Миришкор тумани «Миришкор» МФЙ худудида жойлашган 1-мактаб шохобчасида қурилиш ишлари олиб бораётган қурувчилар электр энергиясидан ҳисоблагичсиз, тармоққа ноқонуний улашиб фойдаланиб келаётган эди. Ишга шунчаллик берилиб кетишганидан МИБ ходимлари келганини ҳам кўрмай қолишди. Уларни кўрган захоти ўзларини оқламоқчи бўлган қурувчилар «Хонобод универсал сервис» МЧЖ ходимлари экан.

Аниқланишича, улар электр тармоғига ноқонуний улашиб, 2 дона пайвандлаш ва 1 дона тошкесар ускунасидан фойдаланиб келишган.

Ҳолат юзасидан керакли ҳужжатлар расмийлаштирилди.

Хусан МАҲМАТҚУЛОВ,
МИБ Миришкор тумани бўлими катта инспектори

СОЛИҚ ҲАМ МАЖБУРИЯТ

Пайариқ тумани давлат солиқ инспекциясининг қарорига асосан «Chelak paxta tozalash» акциядорлик жамиятидан 5 млрд. 187 млн. 901 минг сўм солиқ қарзини ундириш белгиланган ва Мажбурий ижро бюросининг Пайариқ тумани бўлими томонидан ижро иши юритилган.

Яъни қарздорнинг банкдаги ҳисобрақамига банд солинган, унга тегишли мулкларни аниқлаш

мақсадида мутасадди идораларга сўров юборилган, жамият раҳбарлари ва ходимлари билан тушунтириш ишлари ўтказилган.

Бунинг натижасида қарздор қарзини тўлади.

Шаҳзод МАҲАММАДИЕВ,
МИБ Пайариқ тумани бўлими давлат ижросиси

НОҚОНУНИЙ ФЙДАЛАНИЛГАН 367 ТА ҲОЛАТ

Мажбурий ижро бюросининг Андижон вилояти бошқармаси тезкор шўъбаси ходимлари 2020 йилнинг январь-апрель ойлари давомида олиб борган назорат тадбирларида истеъмолчилар энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланган 367 та ҳолатни аниқлади. Шундан 270 тасида электр энергияси, 97 тасида эса табиий газдан фойдаланиш қоидалари бузилган.

Аниқланган ҳуқуқбузарликлар натижасида етказилган 394 млн. сўмлик зарар ундирилишига эришилди. Мисол учун, бюронинг Асака тумани бўлими ходимлари Барака маҳалласи Жалолидин Мангуберди кўчасида жойлашган «Мухтасархон орзулари» МЧЖга қарашли «Ўзватан» савдо мажмуасида ўтказилган текширишда жамият раҳбари О.Холиқов ўзбошимчилик билан трансформатор қувватини ўзгартириб, таъминотчи корхонага қарий 26 млн. сўм моддий зарар етказгани аниқланган.

Шунингдек, Андижон шаҳрининг Гоголь кўчасида яшовчи О.Саидрахимов ўз хонадониди «Давр файз қошонаси» оилавий корхонасига қарашли ошхона ташкил қилиб, умумий фойдаланишдаги табиий газ тармоғига ўзбошимчилик билан улашиб, ноқонуний фойдаланиши оқибатида таъминотчи корхонага 10 млн. сўм зарар етказган. Зарар тўлиқ ундирилган.

Музаффар РАСУЛОВ,
МИБ Андижон вилояти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

ОИЛАЛАР БУТ, ФАРЗАНДЛАР БАХТИЁР

Мажбурий ижро бюросининг Қизилтепа тумани бўлими ходимлари олиб борган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида 2020 йилнинг 5 ойи давомида 98 нафар собиқ эр-хотин яраштирилиб, вояга етмаган 126 нафар фарзанд ҳам ота, ҳам она меҳридан баҳраманд бўлишига эришилди.

Жумладан, фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судининг 2018 йил 19 январдаги ижро ҳужжатида асосан О.А.дан З.П.га фарзанднинг моддий таъминоти учун ҳар ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадининг 1/4 қисми миқдориди алимент ҳамда фарзанди уч ёшга тўлгунига қадар базавий ҳисоблаш миқдорининг 70 фоизига тенг қатъий суммада алимент ундириш белгиланган бўлиб, улар бир неча йил давомида бир-биридан алоҳида яшаб келган.

МИБ Қизилтепа тумани бўлими ходимларининг саъй-ҳаракатлари самара бериб, ушбу ёш оиланинг яраштирилишига эришилди ҳамда ундирувчидан алиментни бекор қилиш тўғрисида аризалар олиниб, ижро ҳужжатини тугатиш учун судга юборилди.

Алибек ТўРАЕВ,
МИБ Қизилтепа тумани бўлими бошлиғининг ўринбосари

ДЕҲҚОН БОЗОРИНИНГ ҚАРЗИ

Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг 2018 йил 9 мартдаги ижро варақасига асосан «Жиззах шаҳар марказий деҳқон бозори» АЖдан шаҳар электр тармоқлари корхонасига етказилган 716 млн. 815 минг 494 сўм зарарни ундириш белгиланган.

Ижро ҳаракатлари давомида бюронинг Жиззах шаҳар бўлими Жиззах шаҳар «Улутбек» МФЙ худудида жамиятга тегишли «Балик савдо» мажмуаси мавжудлигини аниқлаб, «E-ijro aukcion» савдо майдончаси орқали онлайн аукционга чиқарган.

11 май куни ўтказилган онлайн савдода ушбу мажмуа сотилиб, тушган пулдан Жиззах шаҳар электр тармоқлари корхонасига етказилган 716 млн. 815 минг 494 сўм зарар тўлиқ қопланиши таъминланди.

Оттабек АДИЛОВ,
МИБ Жиззах вилояти бошқармаси инспектори

Вилоят комиссиясининг маълум қилишича, 9 июндан Самарқанд шаҳрида йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун жамоат транспортига рухсат берилди.

ЭШАГИНИ
ИЗЛАБ...

Одатда қирққа яқинлашган йигит қирчиллама ёшигача кўп нарсага эришади: яхши касбга, файзли оилга, обод уйга, эл орасида обрўга... Аммо қуйидаги тафсилотимиз қаҳрамони қирққа кириб ҳам қуюлмади. Ҳаётда тўғри йўл қолиб, нуқул ўнқир-чўнқир кўчаларда қоқилиб юрди. Бир неча марта ҳаётини ўнглаб олиш учун имконият берилган бўлса-да, яна жиноят кўчасини танлайверди...

– Отингни олиб келибсан чўлдан, бир ҳақ бермайсанми? – деди поччаси отини боғлаётган Исроилга.

– Мен қачон ҳақ беришдан қочувдим, почча? Келинг... – дея Исроил уни уйига таклиф қилди.

Почча-ю қайни икковлашиб уч шишани думвлатишди. Иккови ҳам анча маст бўлишди. Сўнг почча уйига кетди. Исроил ҳовлида куймаланиб юриб қараса, эшаги кўринмайди. Таёгини қўлига олиб, эшагини излаб кўчага чиқди. Эшақни ҳамқишлоғи Чоридан олган эди. Тўғри уникига йўл олди...

...Вақт ярим тунга яқинлашганди. Чори томоғи огригани сабабли исиріқ дамламаси тайёрламоқчи бўлди.

– Исиріқ қолганми уйда, олиб кел, – деди хотинига.

Хотини бир пасдан сўнг ҳовлиқиб қайтиб кирди.

– Тинчликми? – деди эр унинг авзойига қараб.

– Тинчлик эмас, – деди хотини. – Эчкилар маъраятти, қўйхона томонда чанг кўтарилаяпти. Бир қаранг...

Чори югуриб ташқарига чиқди. Қўйхона томонга фанарини тутди.

Негадир эшик бошқачароқ боғланган эди. Эшикнинг олдида бегона таёқ турарди. Сал наридан яна эчкиларнинг маърагани эшитилди. Йигит овоз эшитилган томонга югурди. Қараса, кимдир эчкиларини ҳайдаб кетаяпти. Югуриб бориб эчкиларни ҳайдаб кетаётган одамнинг бўйнидан ўнг қўлини ўтказиб маҳкам ушлаб, бир қўли билан унинг қўлидаги таёқни ушлаб олди.

– Қўйиб юбор, – деди шарпа ситланиб – ундан ароқ ҳиди анқир эди. Чори унинг юзига фанар тутти, ҳамқишлоғи Исроил эканини билди.

– Қўлингиздаги таёқ меники, эчкилар менга тегишли, бу ерда нима қилиб юрибсиз? – деди ҳамон саркашлик қилиб ситланаётган Исроилга.

– Эчкилар... сеникими? – гудранди Исроил аранг тили айланиб. – Мен... билганим йўқ... кайфим бор...

– Қайтаринг эчкиларни... ёруғ жойга олиб бориб, сабаб оламан, – деди Чори ғазабини аранг жилволаб.

Яна қўйхона олдида қайтишди.

– Қўлингизда далилинг йўқ, мени барибир ҳеч нарса қила олмайсан, – Исроил шундай деб кетмоқчи бўлганда Чори уни бўйнидан бўғиб ушлади. Исроил кўқисдан унинг кўкрагига мушт туширди. Сўнг яна урмоқчи бўлиб қўлидаги таёқни кўтарди. Чори бошини ҳимоялаб, таёқ зарбига қўлини тутди. Кейин таёқни Исроилдан тортиб олди, унинг жағига урди. Исроил ерга ўтириб қолди. Хонадон эгаси жиғини ва турмуш ўртоғини қаққирди. Қўллашиб, қаққирлаган меҳмонни боғлаб ташлашди. Сўнг маҳалла оқсоқолини ва профилактика инспекторини қаққирлади.

– Қўлларингдан ҳеч нарса келмайдир барибир, – қўллари боғлиқ ҳолда бақирарди Исроил. – Мен сенларга ўхшаганларнинг қўлини кўрганман...

Тез орада маҳалла раиси ва ички ишлар ходимлари етиб келиб, Исроилни ИИБга олиб кетишди. У эса ҳамон кичқирарди:

– Мен ҳеч нарса қилмадим, ҳеч нарса ўғирламадим, сизларга керак бўлса ўнга мол олиб келиб бераман, менга бировнинг моли керак эмас...

Жиноят ишлари бўйича Муборак тумани судида Исроил Қувончиевга оид жиноят иши қўрилди. Қайд этилишича, судланувчи 1980 йилда туғилган. Маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, иккита фарзанди бор. Илгари ҳам бир неча марта жиноятга қўли юриб, озодликдан маҳрум қилинган, ахлоқ тузатиш жазосини ўтаган. Хавфли рецидивист.

Судда унинг 6 млн. 350 минг сўмлик 11 та эчкини ўғирламоқчи бўлгани далиллар билан исботланди. Судланувчининг ўзи ҳам айбига иқрооб бўлиб, бу қилишнинг мақсли билан қилганини айтиди. Жабрланувчи ҳам эчкилари қайтарилгани боис Исроилга ҳеч қандай даъвоси йўқлигини маълум қилди.

Суд ҳукмига кўра Исроил Қувончиевга 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Умид ДЖАХАНГИРОВ,
Муборак тумани прокурорининг уринбосари



АЙШУ ИШРАТ ГИРДОБИ

Марғилонлик йигирма етти йашар Кимсанбек (исм-фамилиялар ўзгартирилган) уйланганидан кейин ҳам ўзини жиловлаб олмади. Кўшни давлатдан кўчиб келиб қолган, оиласидан ажрашган, ўзидан етти йашар катта Роҳила деган аёл билан дон олишиб юради. Март ойининг сўнгги кунларидан бирида кечкурун Фарғона шаҳридаги кўпқаватли уйда турадиган Роҳиланинг хонадонига кириб келади. Аёл бу кеча бандман дея уни ётоғидан чиқиб келган Шалола билан таништиради. Сўнг «Онамдан хабар олишим керак» дейди.

Кимсанбекнинг машинасида учаласи «Иссиқ нон» корхонасига боришади. Дўкандан харид қилган озиқ-овқатни Роҳила кўпқаватли уйда яшайдиган онасига бериб чиқади. Кимсанбек Роҳилани уйига элтиб қўяди. Тун яримлаганда Шалола билан Роҳиланинг қайтиб боришади. У ёлғиз эмас, бошқа бир хушгори Диёрбек билан эди. Иккаласини уйига киритади. Уларга ошхонага жой солиб беради. Ўзи хушгори билан ётоғида «дам олади». Диёрбек тун ярмида ўтганида уйга бормасам бўлмайди дея чиқиб кетади. Соат тунги учларда Кимсанбек Роҳилани ётоғига кириб уйғотади.

– Ҳа, нима гап бемаҳалда?

– Уни ўлдириб қўйдим!

Роҳила ошхонага чиқади. Жасад устига кўрпа ташланган эди.

– Нима қилиб қўйдинг? Нимага, нима учун?

– Ҳамиятимга тегди. Ёмон сўкиниб, жалхлими чиқарди.

– Энди нима бўлади? Тамом, уйим куйди. Уйни олиб қўйишса, кўчада қоламан.

– Уни олиб кетаман, биров билмайди. Кўрпага ўраб, машинага юклайман. Каналга ташлаб юбораман...

– Тонг отиб қолди. Кўрганларга нима дейсан? Йўқ, ҳозир тегма. Кечаси, ҳамма ухлаганда олиб кетасан.

Кимсанбекнинг қораси ўчғач, Роҳила хушторига «Тез этиб келинг» деб кўнгирак қилди. Ошхонадаги жасадни кўриб Диёрбекнинг капалаги учди.

– ИИБга хабар бериш керак.

– Бўлмайди, уйимни олиб қўйишади. Кимсаннинг ўзи жасадни йўқ қилади. Кейин хабар қиламан.

Диёрбек фоҳишанинга келиб-кейтиб юргани ошқор бўлиб хотини билан қўйди-чиқди бўлишини кўз олдида келтириш-ю мум тишлади.

Кечкурун соат ўн яримда Кимсанбек кўнгирак қилиб машинасида етиб келди. «Ҳали эрта, – деди уни Диёрбек билан қарши олган Роҳила. – Тун яримласин, кейин». Кимсанбек ортига қайтди. Роҳила Диёрбек билан уйнинг атрофини бир-икки айланишди. Унинг машинасида кутиб ўтиришди. Қайтиб келган Кимсанбек «Қарашвор, бир ўзим кўтара олмайман» деди. Роҳила кўнмади. Кимсанбек кўрпага ўралган жасадни бир амаллаб кўчага олиб чиқди. Жасад юкхонага сиғмади. Уни орқа ўриндикка ётқизиб жўнади. Роҳила Диёрбек билан уйига кириб, ошхонадаги кон доғларини, пичоқни артиб, тозалаб қўйди.

Ўша тунда, соат бирларда Тошлоқ тумани ИИБ профилактика инспектори жамоатчи ёрдамчи билан Катта Фарғона канали теварагини назорат қилишга чиққан эди. Кўп-

риққа яқинлашиб келаётган енгил машинага қарага машинасининг чирогини скиб қўйди. Йўл бўйида туриб яқинлашган машина хайдовчисига четга чиқиб тўхташни ишора қилди. Кимсанбек тушиб келиб сўрашди. Рулга қайтиб ўтириб ҳужжат излагандай бўлди. «Йўқ экан, уйда қолдирибман» деди. «Орқа ўриндикдаги нима?» дея сўради инспектор. Пойинтар-сойинтар сўзларидан шубҳаланиб, қўлини рулга қилиб қўйиб, Кимсанбекнинг ростини айтишдан ўзга иложи қолмади. Инспектор дарҳол навбатчи қисмга кўнгирак қилди.

Марҳум эндигина 18 ёшга тўлганди. Фаҳш йўлига кириб қолганининг билвосита сабаби оиладаги муҳитга, ўсмирлигидан бошлаб ўз холига ташлаб қўйилганга бориб тақалади. Марҳумнинг онаси қизи тез-тез уйдан чиқиб кетиб, бир неча кундан кейин қайтиб келган пайтларда ўртга олиб дакки беришлари қор қилмаганини, фоҳишалик қилаётганини эшитгани, танобини тортиб, қаттиқ турганларида фалокатнинг олди олинган бўлиши мумкинлигини айтиб, афеус-надоматда қўйиб-ёнади.

Қисман иқрорлигидан ташқари қотилининг айби гувоҳларнинг кўрсатмалари, далиллар билан тасдиқланди. У ўн икки йилга озодликдан маҳрум этилди. Дарҳол хабар бермасдан жиноятни яширган Роҳила ва Диёрбекка озодлиқни чеклаш жазоси тайинланди.

Акмал МУХТАРОВ,
Фарғона вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

Марғилон шаҳрида Хунармандчилик маркази ҳамда Хунармандлар бозори фойдаланишга топширилди.

МАҲКУМ МАЖБУРИЙ ДАВОЛАНАДИ

Юртимизда гиёҳвандлик воситаларини етиштириш ва яширинча сақлашнинг олдини олиш чоралари қуриллаяпти.

Ана шундай тадбирлардан бирида кўлга олинган, Кўкон шаҳрида яшовчи 42 яшар Абдувосиқ Соқиевнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) иши Учкўприк тумани судида кўрилди. У илгари наркотик моддаларни истеъмол қилгани ва сақлагани учун бир неча марта судланган бўлса-да, бундан хулоса чиқармаган экан.

Абдувосиқ енгил машинада киракашлик қилиб топган пулининг бир қисмини гиёҳвандлик воситаларини харид қилишга сарфлайди. Куз куни таксида Қирғизистонда яшовчи қариндошларини йўқлагани отланади. Андижон вилоятининг Хўжаобод туманидаги «Дўстлик-авто» чегара постидан пиёда кўшни давлатга ўтади. Нариги тарафдаги автотураргоҳда Субхон деган кимса билан танишади. Гап орасида унга «Икки юз доллар пулим бор, наша топиб беринг» дейди. У «Узимда йўғу,

топишга уриниб кўраман» деб ваъда қилади. Эртаси куни учрашишга келишиб олишади. Абдувосиқ Тахтабозор шаҳрида яшовчи холасининг уйда бир кеча ётади. Эрталаб «Дўстқў» пости яқинида Субхон билан кўришади. У «Ўзбекистон худудига ўтаман, битта танишимдан олиб берман» дея таксилар тўхтайдиган тураргоҳга кираверишдаги шарбат сотиладиган жойнинг ёнида кутиб туришини тайинлайди. Абдувосиқ «Дўстлик-авто» постининг таксилар тураргоҳи ёнида, шарбат сотувчининг олдида Субхонни кутиб туради. Субхон ҳам Ўзбекистонга ўтади. «Ярим соатча тура туриш, ҳозир келаман» дейди. Қайтиб келиб айрон ва ўрик шарбатни сотиётган жойда турган бир дона целлофан пакетни кўрсатади. Абдувосиқ унга 200 долларни бериб айрон ва ўрик шарбатни сотиб ўтирган аёлнинг олдида боради, бир коса шарбат олиб ичади. Унинг ёнида турган, Субхон қўйиб кетган пакетни олиб, Кўкон шаҳрига қатновчи «Кобальт» автомашинасининг ҳайдовчисини билан йўл ҳақини келишиб олади.

Йўловчилардан бири йўлда тушиб қолди. Кўкон шаҳрига етмасдан, Ёйилма деб номланган худудда машинани йўл-патруль хизмати ходимлари тўхтатди. Абдувосиқ ёнидаги наша солинган пакетни оёғи остига ташлаб қўйди. ДХХ ходимлари холислар иштирокида автомобилнинг орқа ўриндиғи остидан пакетни олишди ва кўздан кечиришди. Пакетда 166 грамм наша бўлиб, у белгиланган тартибда расмийлаштирилди. Абдувосиқнинг нашани истеъмол қилиш учун сотиб олдим дея қилмишига иқдор бўлишдан ўзга иложи қолмади. Дарвоқе, унинг гиёҳвандлиги тасдиқланди.

Суд А.Соқиевни 4 йилга озодликдан маҳрум қилди. Маҳкум жазони ўташ мобайнида гиёҳвандлик дардидан мажбурий даволанади.

Ойгул САИДОВА,
Учкўприк тумани прокурорининг катта ёрдамчиси



MUNOSABAT

ТИЛ БИЛГАН ЭЛ БИЛАР

Хозирги ҳаёт тарзи таълим муассасалари зиммасига ҳам долзарб ва жиддий вазафалар юкламоқда. Жамиятга ҳар томонлама етук кадр тайёрлаш зарурати кундан-кунга ошиб бораёпти. Ана шу мақсадга эришишда таълим тизими муҳим аҳамият касб этади. Таълим жараёни узлуксиз янгиланиш ва ислохотларни талаб қилади.

Жаҳон миқёсида глобаллашув ва интеграция жараёнлари кучайётган шу кунларда хорижий тилларнинг аҳамияти ҳам ортмоқда. Хорижий тилни ўрганиш билан инсон янгидан-янги билим, маълумотларга эга бўлади. Бунда нафақат ўзга тил, балки тили ўрганилаётган мамлакат халқининг урф-одатлари, географияси, сиёсати, тарихи, маданияти каби муҳим жиҳатлар ҳам ўрганилади. «Тил билган эл билар» деб бежиз айтишмаган.

Мамлакатимизда хорижий тилларни ўқитиш ва ўрганишга жиддий эътибор қаратилган. Бу борада қабул қилинган фармон ва қарорлар фикримиз далилидир.

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони, ҳукуматнинг қатор ҳужжатларида чет тили таълимини ривожлантириш, ёшларни замон талабларига мос, бир неча тилни билладиган етук мутахассис этиб тайёрлаш каби эзгу мақсадлар алоҳида таъкидланган.

Мазкур ҳужжатларда таълим тизимининг барча bosқичларида чет тилларни узлуксиз ўрганишни ташкил қилиш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш, тилларнинг чет тилларга бўлган қизиқишини янада ошириш, уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг қўламда фойдаланишлари учун шароит яратиш кўзда тутилган. Барча таълим муассасалари, шунингдек, чет тили ўқитувчилари зиммасига ёш авлодни давлатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузини янада оширувчи юксак салоҳият ва билим эгалари қилиб тарбиялашдек улкан вазафалар

юклатилган.

Ҳуқуқшунос талабаларнинг касбий салоҳиятини оширишда чет тилининг роли ҳам муҳимдир. Бугунги кунда Тошкент давлат юридик университетининг бакалаврият ва магистратура bosқичида «Юристарлар учун хорижий тил» ва «Хорижий мутахассислик тили» модуллари бўйича тузилган ўқув дастурлари ассосида инглиз, немис, француз тилидан амалий машғулотлар олиб борилмоқда. Амалий машғулотлар ассосида хорижий тил, хусусан, расмий ва сўзлашув услубларини билиш малакасига эга бўлган юрист учун хориж сафарларида бемалол мулоқот қила олиш имконияти яратилади.

Ривожланган давлатларнинг суд тизимлари ва халқаро ташкилотлар фаолиятини изчил ўрганишда хорижий тилнинг қўйидаги вазафалари муҳим ҳисобланади:

- 1) хорижий давлатлар (АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция) суд ва қонунчилик тизимларини ўрганишга қулайлик яратиш;
 - 2) жаҳон юриспруденциясига кириб бориш;
 - 3) халқаро ҳуқуқни ўрганишга эришиш;
 - 4) хорижда тадқиқ этилган ҳуқуқ йўналишлари бўйича илмий тадқиқотларни таҳлил қилиш;
 - 5) чет эл қўшма корхоналарига ёрдам бериш;
 - 6) ҳуқуқ соҳасида касбий омилкорликни ошириш;
 - 7) чет тилда ҳуқуқий адабиётлар ўқиш ва уларни ўрганиш;
 - 8) халқаро анжуманларда қатнашиш учун қулайлик яратиш.
- Чет тили таълимни сифатини ошириш талаб даражасидаги дарслик ва қўлланмаларга ҳар томонлама боғлиқдир, айнан мазкур вазифини ҳал этиш юқори савияли ҳуқуқшуносларни тайёрлаш имконини яратади.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 29 апрелда қабул қилинган Тошкент давлат юридик университетини энг нуфузли

таълим муассасаларига айлантиришга қаратилган «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони юридик таълим соҳасида улкан воқеа бўлди. Ушбу ҳужжат барча ўқитувчилар, тадқиқотчилар, талабалар зиммасига юксак масъулият юкледи.

Мазкур фармонда педагоглар учун қатор вазибалар белгилаб берилди, жумладан:

- замонавий талаблар ва халқаро эҳтиёгга мос юқори малакали, ижодий фикрлайдиган, ҳалол кадрлар тайёрлаш;
 - ўқитишнинг кредит-модуль тизимини такомиллаштириш, ўқув жараёнида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаш ва ўқув базасини модернизациялаш;
 - ривожланган давлатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасалари билан ҳамкорликни кучайтириш, қўшма ҳуқуқий тадқиқотларни, ўқитувчилар ва талабалар алмашинувини кўпайтириш;
 - хорижий ҳамкорлар билан биргаликда юридик кадрларни тайёрлаш бўйича қўшма таълим дастурлари(double degree)ни амалга ошириш, таълим жараёнига хорижий олимлар ва мутахассисларни фаол жалб этиш;
 - халқаро миқёсда миллий юридик таълим рақобатбардошлигини ошириш;
 - Япониянинг Нагоя университети, Германиянинг Регенсбург университети, Буюк Британия ва Хитой олий таълим муассасалари билан қиёсий ҳуқуқни ўргатиш марказларини ташкил этиш;
 - 2020 – 2025 йилларда чет эллик олимларнинг юридик фанлар бўйича ўқув адабиётларини давлат тилига таржима қилиш ва chop этиш;
 - халқаро ҳамкорлар билан биргаликда янги авлод дарсликлари ва ўқув адабиётлари яратиш кабилар.
- Ёшларни комил инсон қилиб тарбиялаш осон иш эмас. Бунинг учун педагогларнинг ўзи чуқур билим эгаси бўлиши, масъулиятни ҳис қилиши керак. Фармонда белгилаб берилган вазафалар бизни шунга ундайди.

Г.ГУЛЯМОВА,
С.АКОБИРОВА,
ТДЮУ доцентлари

HUQUQ

YURIDIK GAZETA

MUASSIS:

Ўзбекистон
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:

Jahongir MAKSUMOV

TAHRIR HAY'ATI:

Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZOROV
Hayot SHAMSTUDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIRIYAT
MANZILI:

Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,

233-64-85



www.huquq.uz



info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

«HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.

Ⓜ – tijorat materiali.

Buyurtma v-4187.
19 930 nusxada bosildi.
Qo'g'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalendi. «HUQUQ» original makieli.

Nashriyotchi muharrir: K.KASQAROV
Sahifalovchi: S.BABAJANOV

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashir ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.

Korxonamanzil: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004

Ўтганларнинг
охирати
обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси
Харбий прокуратураси
жамоаси Республика
Харбий прокуратураси бў-
лим бошлиғи Шухрат Са-
наевга падари бузруквори
Музаффар
САНАЕВнинг

вафот этганлиги муноса-
батли билан чуқур ҳамдард-
лик билдиради.

Жаҳон банкининг Марказий Осиё минтақасига оид прогнозларига кўра, Ўзбекистон ялли ички маҳсулоти 2020 йилда 1,5 фоиз, 2021 йилда эса 6,6 фоизга ўсади.

Тожикистон аҳли Помир марвариди деб эътироф этадиган Сарез кўли 100 йилдан ошиқ вақт мобайнида оммани ҳайратга солиш билан бирга одамларда қўрқув ҳам уйғотиб келади. 1911 йил март ойида содир бўлган 9 балли zilзила оқибатида Бартанг дарёсининг йўлида баландлиги 500 метр бўлган табиий тўғон ҳосил бўлиши натижасида сув тўпланиб, ушбу кўл пайдо бўлган.

ПОМИР

МАРВАРИДИ

Сарез кўли Тожикистоннинг Тоғли Бадахшон автоном вилояти Мурғоб туманида жойлашган. Унинг узунлиги – қарийб 70 километр, чуқурлиги эса – 500 метрга яқин. Ушбу кўлда 17 километр куб сув тўпланган. Солиштирадиган бўлсак, Тошкент вилоятидаги Чорвоқ сув омборининг sigими 2 километр куб бўлса, узунлиги 19 километр, чуқурлиги 130 метрдан ошиқ. Яъни Сарезда Чорвоқдагидан 8,5 баробар кўп сув тўланган. Мисол учун, Орол денгизи тўлик бўлган пайтларда 68 километр куб суви бўлган. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида келтирилишича, дарёдан ташқари кўлга яна 16 та доимий ва 20 дан зиёд вақтинча сув оқимлари куйилиб туради. Кўл асосан муз сувларидан тўйинади.

«Спутник» нашрининг ёзишича, айни вақтда Тожикистон ҳукумати хузуридаги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш кўмитаси дунё ҳамжамиятига Сарез кўлининг сувини камайтиришдан манфаатдорлигини билдирган. Акс ҳолда Марказий Осиёга тошқин хавф солишини айтишмоқда. Чунки кўл сейсмологик жиҳатдан хавфли зонада жойлашган.

Нашрининг ёзишича, СССР парчаланмасдан аввал ҳам Сарез кўлини ўрганиш учун илмий экспедициялар ташкил этилган. Уша пайтда тадқиқотчилар 500 метрлик табиий тўғонга сув чиқариб турувчи дренаж қуриш ёки уни умуман сув йўлидан олиб ташлашнинг имкони йўқ

деб баҳолашган. Шундан сўнг иттифоқ олимлари вазиятнинг жиддийлигини ҳисобга олиб, 1970-йилларда кўл ҳудудида гидроэлектр станциясини қуриш лойиҳасини ҳам ишлаб чиқишган. ГЭС қурилиши натижасида кўлнинг сатҳи 100 метрга пасайиши керак эди. Натияжада хавф ҳам камайди. Бироқ техник ва моддий муаммолар туфайли лойиҳа амалга оширилмаган. Лекин иттифоқ пайтида олимлардан иборат махсус гуруҳлар кеча-ю кундуз ҳудудда навбатчилик қилишган. Бу каби ҳаракатлар иттифоқ парчаланиб кетгандан сўнг тўхтаб қолган.

Орадан бир неча йил ўтиб, 2000 йилда Жаҳон банки бошчилигида Сарез кўли хавфини камайтириш бўйича халқаро лойиҳа ишга туширилган. Аммо бу ишлар огоҳлантириш тизимини яратиш билан чекланган. Яъни 2006 йилда минтақада фавқулодда огоҳлантириш тизими яратилган. Бу тизим кўл тубига ва атрофига ўрнатилган махсус механизмлар ёрдамида юз берган фалокатни аниқлаб, аҳолини таҳдид ҳақида огоҳлантириш имкониятига эга. Бироқ кўлнинг хавфсизлиги масаласи бу билан ҳал этилмаган. Кўл сатҳи йилига ўртача 20 сантиметр кўтарилиб бормоқда.

2018 йилнинг август ойида Тожикистон президенти Ўзбекистонга таширфи чоғида ўтказган матбуот анжуманида икки давлатнинг идора ва институтлари Сарез кўлининг сувини ўрганиш

бўйича топширик берилганини таъкидлаган. Агар кўл сувидан қандай фойдаланиш масаласига ечим топила, келгусида минтақа мамлакатларини сув билан таъминлаш яхшиланиши мумкин.

Сарез сувидан фойдаланишга оид лойиҳалар Душанбеда ўтказилган сув форумида ҳам муҳокама этилган.

Шунингдек, «Human.uz» нашрида келтирилишича, кўлнинг сувини дренажлар ёрдамида чиқариш ва канал қазиб, Амударё орқали Орол денгизига йўналтириш ёки кўлдаги сув чучук бўлгани сабабли уни кадоқлаб, аҳолига сотиш каби лойиҳалар кўрсатилган.

Иккала лойиҳа ҳам катта маблағ талаб этади. Аммо сув танқислиги йил сайин ортиб бораверса, бу лойиҳалар албатта амалга оширилиши мумкин.

«Спутник»нинг таъкидлашича, кўл куйида жойлашган аҳоли пунктларига хавф туғдиради. Чунки сув чиқиб кетса оқим дёрли Орол денгизига етиб бориши мумкин. Хавф зонасида 6 миллион киши истикомаг қилади. Шунинг учун ҳам 2000 йилнинг май ойида Ўзбекистон ва Тожикистон ҳукуматлари ўртасида Сарез кўли тошиб кетган тақдирда биргаликда қўриладиган чора-тадбирлар ҳамда ўз вақтида хабардор қилишда кўмаклашиш тўғрисида битим тузилган. Ушбу ҳужжатда икки давлат ўртасида Сарез кўли тошса ёки тошиш хавфи туғилса, бунинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича ҳамкорлик масалалари белгиланган.

Камолитдин АСҚАРОВ,
«Нуқуқ»